O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI

*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*


# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 23 (129)-сон, 2006 йил 8 июнь | www.21asr.com



МУНОСАБАТ

3 Ўзбекистон ва Финляндия тадбиркорларининг бизнес-форуми самарали ўтди



ТИББИЁТ

4 Ўтган йиллар мобайнида биргина Сирдарё вилоятининг ўзида 144 та қишлоқ врачлик пункт (ҚВП)лари ташкил қилинди



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 Ўткир муаммоларга қарамай, биз Россияга дўстлик қўлини чўзишга тайёрмиз

# Бирламчи вазифа — маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлиги ва самарасини янада оширишга эришишдир



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ВА ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИНИНГ 2006 ЙИЛ 3 ИЮНДА АНДИЖОН ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДА АНА ШУНДАЙ ҚАРОРГА КЕЛИНДИ.**

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижория қўмитасининг Қўқон ва Бухорода бўлиб ўтган сайёр қўшма йиғилишларидан фарқли ўлароқ Андижонда партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда сенаторлардан иборат гуруҳлар аниқ режа асосида турли ҳудудларда учрашувлар ҳамда очиқ мулоқотлар ўтказишди. Депутатлик гуруҳлари мажлисларида, бошланғич партия ташкилотлари вакиллари иштирокидаги учрашувларда тилга олинган фикр-мулоҳазалар, мавжуд муаммолар таҳлили ва тарғибот-ташвиқот соҳасига оид фикрлар қўшма мажлис кун тартибига киритилган масаланинг нечоғлик муҳимлигини яна бир карра кўрсатди, дейиш мумкин.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М.Тешабоев мажлисни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиш, мулкдорлар қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш билан боғлиқ ишлар кўламини кенгайтириш масалалари ҳамон долзарб бўлиб қолаётганига эътибор қаратди.

Нотиқнинг фикрича, бундай йиғилишларни ўтказишдан асосий мақсад, биринчидан, партиянинг юқори ва қуйи тузилмалари орасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, аҳоли кенг қатламлари орасига чуқурроқ кириб бориш, жойлардаги иқтисодий-ижтимоий муаммолар билан яқиндан танишиш, ҳудудий партия ташкилотлари саъй-ҳаракатини уларни ҳал қилишга йўналтириш бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга фаол партиявий муносабат билдиришдан иборатдир.

— Бугунги анжуманимизда кўриб чиқиладиган масала аҳоли орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларининг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан эътиборни тортади, — дея таъкидлади нотиқ. — Эндиликда қуруқ даъват ёки чақириқлар билан халқ ишончини қозониб бўлмайди. Фуқарони чиройли ғоя орқалигина ўз ортимиздан эргаштирамиз, деган фикрдаги сиёсий кучлар адашадилар. Бинобарин, ғоя билан ҳаёт ўртасидаги уйғунликни таъминлаш, бунинг учун, керак бўлса, янги-янги қонунлар ишлаб чиқиш ва уларнинг қабул қилинишига эришиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Партиямиз ўз куч ва имкониятларини ана шундай амалий таъсирчанликка эришишга йўналтириши керак.

*Давоми 2-саҳифада.*

***O'zLiDeP фракциясида***

# Таклифлардан ташаббусларга

**O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ИЛК САЙЁР ЙИҒИЛИШИНИНГ АНДИЖОН ТАДБИРЛАРИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАНИ ҲАМ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. УНДА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.**

Йиғилишда партия ҳудудий тузилмаларининг мафкуравий йўналишдаги фаолиятини кучайтириш ва аҳоли ўртасидаги олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини янада оширишнинг амалий чоралари, электоратнинг партия фаоллари ва фракция аъзоларидан, шунингдек, маҳаллий депутатлик корпусидан мавжуд муаммоли масалаларнинг ечимини таъминлайдиган аниқ ҳаракатчан механизмларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар ва ташаббуслари кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари, шунингдек, шу йилнинг 30 май куни Москвада бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар парламентлари раҳбарларининг биринчи учрашуви тўғрисидаги ахборотни ҳам тингладилар.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида сўзлаган маърузаларида асосий устувор вазифа - бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштиришдан иборат эканлиги, бу борадаги муҳим йўналиш - фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш лозимлигига алоҳида урғу берилган эди.

Фракция аъзолари мазкур Қарор тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтирибгина қолмай, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан уларга янада қулай шароитлар яратишини қайд этдилар.

Шунингдек, фракция йиғилишида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Марказий сайлов комиссиясида

**6 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ КОМИССИЯ РАИСИ МИРЗАУЛУҒБЕК АБДУСАЛОМОВ БОШҚАРДИ.**

Мажлисда Олий Мажлис Сенати айрим аъзоларининг ваколатлари тўғрисидаги, янги таҳрирдаги Марказий сайлов комиссияси Регламентининг лойиҳаси тўғрисидаги, шунингдек, комиссиянинг жорий йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси лойиҳаси ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Шавкат Исмаилович Салихов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб тайинланди. Абдимўмин Суннатович Жўраевнинг Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Пастдарғом тумани Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига аъзолик ваколати комиссиянинг қарори асосида муддатидан илгари тугатилди.

Мажлисда сайлов тизимини янада демократлаштириш борасида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш бўйича тўпланган тажрибасини ўрганиш ишларини яхшилаш зарурати алоҳида таъкидланиб, Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг бу ишларни амалга ошириш юзасидан вазифалари белгиланиб, аниқ чора- тадбирлар мўлжалланди.

Комиссия мажлисида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

***Узоқ ва яқин хорижда***

**Бразилия**

## Деҳқонлар норози

**Lenta.ru нинг хабар беришича, бразилиялик юзлаб ерсиз деҳқонлар мамлакат пойтахтидаги парламент биносига бостириб кирганлар. Улар қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ўтказишни, ер қонунчилигига ўзгартириш киритишни ва мажбурий меҳнат тақиқланишини талаб қилишган. Расмийлар берган маълумотга қараганда, ерсиз деҳқонлар ҳаракати вакиллари уюштирган исённи бостириш чоғида 20 нафар киши жароҳат олган, 300 дан ортиқ киши ҳибсга олинган. Парламент биносига бостириб кирганларнинг энг ашаддийлари ойналар ва мебелларни синдирибгина қолмай, лотерея ютуғига қўйилган автомобилларидан бирини ҳам ағдаришган. Ҳукумат ушбу ҳодисани жаҳолат акти ва демократия тамойилларини бузиш, дея таърифлади. Ерсиз деҳқонлар шу пайтгача президент Луис Инасиу да Сильвани қўллаб-қувватлаб келишаётган эди. Чунки у 2003 йил сайловларида ташландиқ ер участкаларини сотиб олиб, уларни уйсиз қашшоқ оилаларга топшириш ваъдасини берганди. Бироқ ерсиз деҳқонлар ҳаракати ҳукуматни 2006 йилга бориб 400 минг кишини уйжой билан таъминлаш хусусидаги сайловолди ваъдаларини бажармаганликда айбламоқда.**

**БМТ**

## Муҳожирлар камаймаяпти

**БМТ Бош котиби Кофи Аннан томонидан миграция масалалари бўйича тақдим этилган янги маъруза иш излаш мақсадида Ватанини тарк этаётган одамлар сони кўпайганлигини тасдиқлади. Маърузага кўра, бутун дунё бўйлаб 200 миллионга яқин киши бегона юртларда истиқомат қилади. 1990 йилдан бери дунёда меҳнат муҳожирлари сони 20 фоизга ошиб, 2005 йилда 191 миллион кишига етган. Уларнинг ярмидан кўпроғи ривожланган мамлакатларга кетишга уринган бўлса, 75 миллионга яқин киши ривожланаётган мамлакатлар оралиғида изғиб юрибди. Филиппин, Сербия ва Черногория каби айрим давлатларнинг меҳнат муҳожирлари уйига юбораётган пуллар миллий даромаднинг сезиларли қисмини ташкил этади. Аннаннинг айтишича, миграция халқаро ҳаётнинг салмоқли омилига айланган.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 8 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 6 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 919,23 | 1 Миср фунти | 212,53 | 1 Польша злотийси | 401,92 | 10 Жанубий Корея вони | 12,96 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2301,98 | 1 Исландия кронаси | 17,20 | 1 СДР | 1819,53 | 10 Япония иенаси | 109,55 |
| 1 Дания кронаси | 212,11 | 1 Канада доллари | 1110,85 | 1 Туркия лираси | 760,45 | 1 Россия рубли | 45,45 |
| 1 БАА дирҳами | 332,90 | 1 Хитой юани | 152,58 | 1 Швейцария франки | 1013,90 | 1 Украина гривнаси | 241,99 |
| 1 АҚШ доллари | 1222,05 | 1 Малайзия ринггити | 336,37 | 1 ЕВРО | 1581,70 | | |

2006 йил 8 июнь
Пайшанба
23 (129) -сон
www.21asr.com
XASR

# ПАРТИЯ ТУРМУШИ

**ҲАЁТИМИЗ -саёҳат, ғоя эса йўлчи юлдуз. Йўлчи юлдуз бизни мақсад сари етаклайдиган машъалдир**

## Бирламчи вазифа — маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлиги ва самарасини янада оширишга эришишдир

*Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.*

Шунинг учун ҳам асосий эътибор партиянинг парламентдаги фракцияси ва жойлардаги депутатлар гуруҳлари фаолиятини намунали йўлга қўйишга қаратилмоқда. Биз фракциямиз орқали мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий вазиятга таъсир ўтказиб, давлат ижроия органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Депутатларимиз партиянинг қуйи тузилмалари билан яқин ҳамкорлик орқали вилоят ва туманлардаги ҳақиқий вазиятдан хабардор бўлмоқдалар, янги-янги қонунчилик ташаббуслари билан чиқмоқдалар ва шу тарика партия ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз ҳар бир бўғинда партиямиздан сайланган депутатларнинг фаолиятини изчил назорат қилиб боришимиз керак. Зеро улар халқнинг давлат ҳокимиятидаги ишончли вакилларидир. Бугунги йиғилишимизнинг Андижонда ўтказилаётгани вилоят партия ташкилотларида рўй бераётган ўзгаришларни холисона баҳолаш имконини беради. Хабарингиз бор, йил бошидан бери ушбу вилоятда кўплаб партиявий тадбирлар ўтказилди, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди. Партия фаоллари бугунги йиғилишда ҳам уюшқоқлик билан қатнашиб, ўз сиёсий тайёргарликларини яна бир карра намоён қиладилар, деган умиддаман.

Энг муҳими, ушбу йўналишдаги вазифаларимиз вақти-вақти билан амалга оширилиб туриладиган акциялар бўлиб қолмасдан, партиямиз ҳар бир бўғинининг кундалик фаолиятига айланиши, доимий эътиборида турадиган бирламчи вазифаси бўлмоғи лозим.

Фракциямиз ва халқ депутатлари вилоят кенгашларидаги депутатларимиз орасидаги алоқаларни янада кучайтириш масалалари ҳам диққат марказимизда бўлиб қолаверади. Чунки жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, партиямиз ўз олдига қўйган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда вилоят кенгашларидаги депутатлик гуруҳларига катта масъулият юклаган. Уларнинг ушбу вазифаларни тўлақонли бажаришларида фракция аъзолари ўз маслаҳатлари билан бирга амалий ёрдамларини аямасликлари лозим.

Бундан ташқари мазкур йиғилишимизда ҳудудий бўлинмаларнинг жойларда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро алоқада бўлишлари ҳамда республика Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатасининг вилоят бўлимлари билан яқин ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларини кўриб чиқишимиз керак. Чунки ННТларнинг аксарияти жамият учун долзарб бўлган масалалар атрофида иш олиб бораётган ташкилотлар бўлиб, уларнинг аксарияти моҳиятан биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга яқин йўналишларда фаолият юритмоқдалар. Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлимлари эса бизнинг жойлардаги ҳамфикрларимиздир. Демак, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятимиз ҳам айнан шу даражада ташкил этилиши лозим. Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ўз ишимизни қуйидагича ташкил қилишимиз жоиз. Биринчи босқичда белгилаб олинган режаларни, энг аввало, ўз сафдошларимиз, жойлардаги фаолларимиз, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари орасида сингдиришга, қарор топтиришга эришиш. Иккинчи босқичда эса ҳар бир фаолимиз, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятларини ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқишга, уларнинг фаолиятларида кескин ўзгариш қилишга эришишимиз керак. Токи бундай фаолият уларнинг доимий ишларига, узлуксиз жараёнга айлансин. Ана шундагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз.

Шундан сўнг кун тартибидаги асосий масала юзасидан Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Қ.Назаровнинг "Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳудудий тузилмаларининг маънавий-маърифий фаолиятини янада кучайтириш ва аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш соҳасидаги долзарб вазифалари" мавзуидаги маърузаси тингланди. Унда таъкидланганидек, ғоявий-мафкуравий ишлардан кўзланган асосий мақсад кенг аҳоли, энг аввало, қишлоқ ҳудудларидаги юртдошларимиз ўртасида жамиятни либераллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган давлат сиёсатини кенг тарғиб қилиш, уларни бу борадаги ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашишга даъват этишдир.

Умуман, маънавият соҳасидаги долзарб вазифаларни ҳаётга тўлақонли амалга ошириш кенг омма онгида демократия, эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш билан боғлиқ ғояларни қарор топтириш билан чамбарчас боғлиқ, дея таъкидлади маърузачи. Яъни, жамият ҳаётида кечаётган ислоҳотлар жараёни маънавий-маърифий ишлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилгандагина кутилган натижалар беради. Шунинг ўзиёқ партиянинг ҳудудий ташкилотлари олдида нечоғли муҳим ва масъулиятли вазифалар турганлигини яққол акс эттириб турибди.

Албатта, ҳар қандай демократик жамиятда бўлгани каби бизда ҳам турлича ёндашувлар, бир-бирига муқобил бўлган қарашлар мавжуд. Мана шундай фикрлар хилма-хиллиги шароитида аҳоли ўртасида эркинлаштириш сиёсатининг маъно-моҳиятини кенг тарғиб қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг дастлабки давриданоқ айнан демократлаштириш ва эркинлаштириш сиёсатини танлади. Ушбу сиёсий йўлнинг зарурати нимада, унинг эл-юрт, миллат тақдиридаги ўрни қандай — бу масалаларни тингловчиларга содда, равон тилда тушунтириб бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Айни чоғда ўзини партиямизга мухолиф деб эълон қилган сиёсий кучлар томонидан билдирилаётган танқидий фикрларга ҳам вақтида аниқ ва лўнда жавоб қайтарилиши лозим. Бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан қуруқ ваъдалар бериш ёки чиройли шиорларни ўртага ташлаш билан ҳеч нарса ўзгармайди. Балки реал мақсадлар, амалий натижалар орқалигина халқнинг юксак ишончини қозониш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ мафаати тор партиявий ғоя ва мақсадлардан устундир. Биз мамлакатимиз дахлсизлиги, миллий хавфсизлик ва ислоҳотлар жараёнининг узлуксизлиги, жамият аъзоларининг умумий манфаатларидан устунроқ бўлган бирон-бир партиявий мақсад ва вазифа бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Юртимизга нисбатан турли мафкуравий хуружлар, ғаразли мақсадлар, "демократия экспорти" байроғи остидаги ғоявий таҳдидларга қарши жамиятимиздаги барча кучлар ва қатламларнинг миллий истиқлол ғояси асосида бирлашиб, ҳамкор ва ҳамжиҳат ҳаракат қилиш тарафдоримиз.

Бундай қараш, энг аввало, либерал-демократларнинг жамият барча жабҳаларини, хусусан, иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ ғояларидан келиб чиққанлиги аниқ. Аслини олганда, эркинлик бу қандайдир бетартиблик, ўзи бўларчилик эмас, аксинча, амалий фаолият учун кенг йўл очадиган, тараққиётни жадаллаштиришга хизмат қиладиган куч эканлигини унутмаслигимиз керак.

Тўғри, ўтган давр мобайнида партия томонидан бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2005 йил ва 2006 йилнинг биринчи чораги мобайнида партиянинг ҳудудий тузилмалари томонидан 13 мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари амалга оширилди.

Айниқса, партия ёшлар ва аёллар билан ишлаш, турли ҳаётий муаммоларни ҳал этиш борасида алоҳида фаоллик кўрсатди. Лекин тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси кўнгилдагидек эмас. Бу борада етарли фаоллик ва ҳозиржавоблик кўрсатолмаяпмиз.

Хусусан, партиянинг жойлардаги айрим бўлинмаларида тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес вакилларидан иборат электорат билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмаган, баъзи ҳолларда уларнинг муаммоларига нисбатан эътиборсизлик билан муносабатда бўлинмоқда. Ваҳоланки, белгиланган кенг кўламли вазифаларни партия ҳудудий ташкилотлари, фаолларнинг бу борадаги тўлақонли фаолиятисиз амалга ошириб бўлмайди.

Партия сафларини тадбиркорлар, фермерлар, кичик бизнес вакиллари ҳисобига кенгайтириш масаласига етарли даражада аҳамият берилмаяпти. Бу эса партиянинг сайловчилар орасидаги обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тўғри, изланишлар давом этмоқда. Яқинда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузурида "Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази"га асос солинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари қошида марказ филиалларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу марказлар, шубҳасиз, партия электорати билан ҳамкорликда иш юритиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда яқиндан кўмаклашиши даркор. Унинг асосий вазифаси тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий актларнинг ижросини таҳлил қилиш, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорларнинг муаммоларини ечишда уларга яқиндан кўмаклашишдан иборат.

Ҳар бир сиёсий партия ўз фаолиятини йўлга қўйишда бошланғич ташкилотларнинг куч ва имкониятларига таянади.

Зеро, бошланғич ташкилотларнинг асосий вазифаси жойларда ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтириш, партияга янги аъзолар қабул қилиш ва тарафдорлар сафини кенгайтириш, турли ҳаётий муаммолар ечимини топишда фаол қатнашишдан иборатдир.

Афсуски, баъзи ҳудудий кенгашларнинг бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлиги кўнгилдагидек эмас, уларга ўз вақтида зарур амалий ёрдам кўрсатилмаяпти. Бошланғич партия ташкилотларининг аксарияти ўз иш режасига эга эмас, жойларда мониторинг ишлари умуман олиб борилмайди.

Мавжуд 7 мингдан зиёд қуйи бўғин ташкилотларининг куч ва имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётир. Тарғибот-ташвиқот ишлари суст. Партия нашри - "XXI asr" газетаси ҳам бу борада ўзининг аниқ позициясини белгилаб олиши лозим. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш бевосита кадрлар сиёсатига бориб тақалади. Демоқчимизки, ҳар қандай сиёсий партия кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимисиз ўз мақсадларига эриша олмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, жойларда ташкил этилган сиёсий ўқувлар, яъни доимий ҳаракатдаги семинарлар тизими муҳим партиявий вазифалар ечимини топиш, кадрлар билими ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Сиёсий ўқувлар принципиал жиҳатдан партия аъзоларининг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилиши зарур. Ўз сафларида профессионал, билимдон, кенг қамровли ва фидойи кишиларни жипслаштира олган партиямизгина кучлидир. Кўриниб турибдики, бу жараён ҳар биримиздан изчилликни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, биз жамият нафасини, давр талабини тўла ҳис этиб яшашимиз, эл юкига елка тутишимиз, ўз фаолиятимизни такомиллаштириб боришимиз лозим.

Партия ўқуви ғояси партиянинг барча даражадаги раҳбарлари ва аъзолари томонидан қўллаб-қувватланаётгани қувонарли ҳолдир. Бугунги кунда билимсизлик, иродасизлик ҳар қандай муваффақиятни йўққа чиқариши, ўсиш ва ривожланиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши ўзўзидан маълум, албатта. "Кечаги кун қаҳрамонлари"га айланиб қолмаслик учун вақтдан ўзиб, истиқболни кўзлаб ишлаш зарур. Бир сўз билан айтганда, сиёсий ўқув жараёнига нисбатан эътиборсизлик партия олдида турган вазифаларнинг долзарблиги ва кўламини англамаслик билан тенгдир. Бундай ҳолларга қатъий барҳам бериш лозим, албатта. Сиёсий таълим партиявий ишларнинг ажралмас қисми эканлигини унутмайлик. Биз учун номигагина расмиятчилик учун ўтказиладиган ўқув тизими керак эмас. Сиёсий таълим жараёни шундай ташкил этилмоғи лозимки, у бутун мазмун-моҳияти билан партия фаолларини билим ва тафаккурини бойитишга хизмат қилсин.

Партия ҳар бир масалада ўз фаоллари куч-ғайратига таянади. Улар партиянинг дастурий вазифаларини амалга оширишда биринчи галда масъулдирлар. Афсуски, O`zLiDeРдан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган депутатларнинг фаоллиги яққол кўзга ташланмайди, сайловчилар билан яқин алоқа йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, қайноқ ҳаёт ичида бўлиш, одамлар дарди билан яшаш, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга яқиндан кўмаклашиш депутатларнинг биринчи галдаги бурчидир.

Шу ўринда эътиборингизни Юртбошимизнинг қуйидаги фикрларига қаратмоқчиман: «Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш — бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда».

Ушбу фикр маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси ҳамда таъсирчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар учун ҳаммамизнинг, айниқса O`zLiDeРнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг масъуллигини ва бу соҳада янада фаол бўлишимиз лозимлигини англатади.

Шу маънода O`zLiDeРнинг депутатлик корпуси вакиллари ўз округларидаги сайловчилар билан яқин муносабат ўрнатишлари, амалга оширилаётган ишлари хусусида уларни юзма-юз учрашувлари чоғида, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этиб боришлари лозим.

Ҳудудий кенгашлар фаолиятида сайлов арафасида қабул қилинган Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, жойлардаги депутатлик гуруҳлари ушбу дастурларга яна бир бор қайтиб, ўз режаларига ўзгартириш киритсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур жараённи мониторинг қилиб бориш эса партия ҳудудий кенгашларининг ишидир. Бир сўз билан айтганда, сайловолди ваъдаларга вафо қилиш, партия ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш учун жойларда катта ташкилотчилик билан иш олиб борилиши лозим.

Бугун давр ҳам, талаб ҳам бошқа. Ғоявий-сиёсий соҳада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, партия сафларини фаол тадбиркорлар ва фермерлар ҳисобига кенгайтириш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. Зеро, ўз ғояларига содиқ, ҳар жиҳатдан собиткадам партиягина омманинг чинакам етакчиси ва кўмакчисига айлана олади.

Маърузанинг тўлиқ матни билан O`zLiDeP ва газета сайтларида танишишингиз мумкин.

ҚЎШМА САЙЁР ЙИҒИЛИШ

ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

ВОҚЕАЛАР,

## O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

### Ғолибларга — «ROISON»

**1-2 июнь кунлари Фарғона вилоят кенгаши, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, республика миллий кураш халқаро ассоциацияси ҳамкорлигида 60 кг. ва 100 кг.дан ортиқ вазндаги полвонлар беллашуви ўтказилди.**

Мусобақада, шунингдек, қўшни Тожикистон ва Қирғизистон вакиллари ҳам қатнашдилар. Қизиқарли лаҳзаларга бой бўлган тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг аъзолари, Ўзбекистон миллий кураш ассоциацияси раиси К. Юсупов, партия вилоят кенгашининг раиси Р.Камолов иштирок этишди.

Мусобақада совринли ўринларни қўлга киритган курашчилар ташкилотчи ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Мутлақ ғолиблар — фарғоналик Улуғбек Маматов ҳамда Тошкент вилоятидан Акбар Йўлдошевга O`zLiDeP мукофоти — "ROISON" телевизорлари топширилди.

### Ёшлар эътиборда

**Наманган вилоят партия кенгаши ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий ғоя, азалий қадриятларимиз, урф-одатларимизни эъзозлаш ҳамда ҳурмат қилиш каби тушунчаларни сингдириш борасида қатор ибратли тадбирларни ўтказмоқда.**

Жумладан, ўтган ҳафтада вилоят кенгаши ҳузуридаги сиёсий таълим марказида "Тарихсиз – келажак, бугунсиз – эрта бўлмайди" мавзуида анжуман ташкил этилди. Унда таниқли олимлар, сиёсатчилар мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати, баркамол авлод тарбияси, йигит ва қизларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишларга атрофлича баҳо бердилар.

Тадбирда "Ёш сиёсатчилар кулуби" га аъзо бўлган олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳамда партиянинг ёш аъзолари гуруҳларга бўлиниб, "Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари", "Ёшларда сиёсий дунёқарашни шакллантиришда миллий мафкура ва Ватан тарихининг ўрни" ҳамда "Ўзбекистон келажаги ёшлар наздида" каби мавзуларни муҳокама этдилар.

### Бобурда байрам

**O'zLiDeP вилоят кенгаши аёллар билан ишлаш бўлими ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, "Меҳр-шафқат ва саломатлик", "Болалар" ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармалари ҳамкорлигида 1 июнь — болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни муносабати билан "Эгизак шоу" кўрик-танлови ўтказилди. Унда Наманган шаҳридан юздан ортиқ эгизак қатнашди.**

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган мазкур тадбирни шаҳар мактаблари ўқувчилари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг жажжи болажонлари мароқ билан томоша қилдилар. Қизиқарли ўйинлар ва савол-жавоблар кўрик-танловга ўзгача мазмун ва файз бағишлади.

### Ватан эрки — муқаддас

**Боёвут туманида вилоят кенгаши ташаббуси билан "Эгали юрт эркини бермас" шиори остида сиёсий, маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Уни партия вилоят кенгаши раисининг ўринбосари П. Ахмеджанова қисқача кириш сўзи билан очди.**

Халқ депутатлари Боёвут туман кенгаши депутати С. Қорабоева партия Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими бажараётган ишлар ва депутатлик гуруҳларининг фаолияти тўғрисида ахборот берди. Кенгаш қошидаги сиёсий таълим маркази раҳбари А. Бурхонов ва бир гуруҳ маҳалла оқсоқоллари Андижон воқеалари тафсилотлари ва Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашда мардонавор хизмат қилган юртимиз ўғлонлари фидойиликлари ҳақида гапирдилар. Тадбир сўнгида партия аъзолигига қабул қилинган 28 нафар йигит-қизга гувоҳномалар топширилди.

Таниқли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

### Ибратли ишбилармон болалар

**Миробод туман кенгашида ишбилармон ўқувчи кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда тумандаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг олти нафар ғолиби ўзлари тайёрлаган 60 дан зиёд либос, турли буюм ҳамда суратлари билан қатнашдилар.**

Ҳакамлар ҳайъати танлов давомида уларнинг ишбилармонлик қобилияти, жамоат ишлари ҳамда оммавий тадбирлардаги иштироки каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратди. Ана шундай фазилатларга эга бўлган ўқувчи-ёшлар ғолиб чиқиб, кўрик-танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди.

ЁШЛАР эртанги куннинг асосий куч-қудратидир

# ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

БАЙРАМ

# «Болаларга беринг дунёни»

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Оҳангарон шаҳар кенгаши ташаббуси билан Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган фестиваль бўлиб ўтди.**

■ **Шукурилло ПАРПИЕВ**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси раиси Адҳам Шодмонов сўзга чиқиб, ёш авлодга эътибор, ғамхўрлик давлатимиз миқёсидаги юксак сиёсатга, улкан ва кенг қамровли амалий фаолиятга айланганини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ давлатимиз раҳбари ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлодни вояга етказишни умумтараққиётимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилади ва бу масала, мана ўн беш йилдирки, ҳукуматимизнинг доимий эътиборидадир. Жисмонан ва ақлан баркамол бўлиб вояга етишишлари, уларнинг ҳуқуқлари поймол этилишининг олдини олиш, турли хил камситишларга йўл қўймаслик борасида йирик дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам болаларга меҳр-муҳаббат, алоҳида диққат-эътибор, самимий муносабатда бўлиш, уларни мунтазам равишда маънавий рағбатлантириб туриш, пухта билим олишлари учун керакли шарт-шароитни яратиб бериш борасида O`zLiDeP томонидан амалга оширилаётган самарали ишлар ҳақида гапирдилар, мавжуд муаммолар ечимига эътиборни жалб этдилар.

Фестивалнинг биринчи қисмида болалар иштирокидаги халқимизнинг миллий ўйинлари, эстафета, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Спортчи ёшлар томонидан машқлар намойиш этилди.

Тадбир сўнгидаги ёш санъаткорларни чиқишлари болалар, ўқувчи ва талабалардан иборат 6 мингдан зиёд иштирокчига кўтаринки руҳ, байрамона кайфият бағишлади.

ШИРКАТЛАР ФАОЛИЯТИ

Маълумки, жорий йилда Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари иш тажрибаси бўйича ўтказилган танловда республикамиз вилоятларидан 71 та УМШ қатнашган, уларнинг 11 таси Фарғона водийсидан, жумладан, 10 таси айнан Қўқон шаҳридан эди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларининг республика семинари айнан ушбу шаҳарда ташкил этилганлиги ҳам бежиз эмас.

## УМШ: Қўқон тажрибаси

■ **Асхор ИСТАМОВ, «XXI аср» мухбири**

Тадбир қатнашчилари дастлаб гуллар шаҳри деб ном олган Наманганга ташриф буюрдилар. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Нусратулла Убайдуллаев, вилоят "Кўмак-мадад" уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқарувининг раиси Абдуғаффор Жабборов, унинг ўринбосари Ойбек Ортиқов ва бошқалар билан бўлган учрашув давомида УМШлар билан маҳаллий ҳокимлик органлари ўртасидаги ҳамкорлик, уй-жой биноларини иситиш локал тизимини жорий этиш, мувофиқлаштирувчи кенгашлар иш тажрибасини оммалаштириш, Ўзбекистон Республикасининг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонунини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги вазифалар хусусида сўз борди.

Таъкидлаш керакки, кейинги пайтда Наманган тасарруфида фақат битта кўп қаватли уй бўлган УМШлар тузиш тажрибаси оммалашмоқда. Бундай усул ўзини тўла оқлаяпти. Семинар иштирокчилари Урбан институти томонидан соҳага оид энг яхши иш тажрибалари бўйича ўтказиб келинаётган танловларда совриндор бўлган, турли миқдорда молиявий кўмак олиш имкониятини қўлга киритган бир қатор УМШлар фаолияти билан танишиш жараёнида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Нуфузли танловларда ғолиб чиқиб, тегишлича пул мукофотлари билан тақдирланган "Муҳаммад Асрор", "Мингтерак", "Муҳиддин ила Музаффар" сингари УМШларга қарашли кўп қаватли уйларда амалга оширилган таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари диққатга сазовор, албатта.

Наманган шаҳридаги "Шуҳрат ҳамкор сервис" МЧЖ ҳудудида туташ уй-жойлар анчагина эскириб қолган эди. Ислом Мансуров раҳбарлигидаги "Даврон грант сервис" ва "Шуҳрат ҳамкор сервис" хусусий фирмалари томонидан бу ерда катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада турар-жойлар бутунлай янги қиёфа касб этди. "Ҳамжиҳат қўшнилар", "Водий Наманган", "Само туҳфаси" УМШнинг фаолияти ҳам семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбирнинг асосий қисми Қўқон шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасида бўлиб ўтди. Уюшма раиси Олег Горбуновнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда уюшма таркибида 130та кўп қаватли уй бўлиб, бу ерда авария-диспетчерлик хизмати, маъмурий-хўжалик, техник ходимлар бўлимлари ташкил этилган. Мавжуд уй-жойлар, ертўла ва томларни таъмирлашда тадбиркорлар кучи ва ёрдамидан ҳам фойдаланилмоқда. Энг аввало, оммавий ахборот воситалари орқали пудрат ташкилотлари ўртасида тендер танлови эълон қилинади. Унда ғолиб чиққан пудратчилар жойларда таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Шундан сўнг иш кўлами, мақсадли бадал пуллари миқдори, назорат қилувчи жамоатчилик комиссияси таркиби тасдиқлаб олинади. Фақат бир жиҳати бор: Урбан институти томонидан эълон қилинадиган танлов шартларига мувофиқ, кўп қаватли уйларда яшовчилар таъмирлаш учун сарфланадиган пулларнинг 20 фоизини олдиндан тўлашлари зарур.

Қўқон шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ғуломжон Бобоев, Самарқанд шаҳар УМШ уюшмаси раиси Баҳром Усмонов, "Марказ—2000" уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Муйиддин Мўминов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Қўқон шаҳридаги "Хизматчи-созловчи", "Жонон бино Қўқон", "Гулноза-Навоий-Қўқон", "Кўркам бино" деб номланган УМШларга қарашли кўп қаватли уйлардаги тозалик ҳолати, амалга оширилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Уч кун давом этган тадбир Наманган, Қўқон шаҳарларидаги тарихий ва маданий ёдгорлик ўчоқларига уюштирилган саёҳат билан ниҳоясига етди.

СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИДА

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ҳузуридаги "Сиёсий таълим маркази"да "Мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жамиятни янада эркинлаштириш жараёнида O`zLiDePнинг роли мавзуида семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари иштирок этдилар. Тадбирни партия вилоят кенгашининг раиси Мансур Зокиров кириш сўзи билан очди.**

## Тадбиркор — ҳуқуқий ҳимояда

■ **Ўз мухбиримиз**

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, кичик бизнес вакилларининг манфаатлари қонун ҳимоясидадир. Улар учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Эндиликда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидангина текширилиши мумкин, холос. Кичик бизнес ва хусусий секторни янада ривожлантириш учун амалдаги ҳуқуқий меъёрларга қатъий амал қилиш талаб этилади.

Вилоят адлия бошқармаси етакчи мутахассиси Ш.Ашуров, вилоят солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш комиссияси масъул котиби Бобир Назаров, Республика Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Ҳожиев, "Демократик ва инсон ҳуқуқлари" институти вилоят бўлими директори С.Ражабов ана шу масалалар атрофида фикр юритдилар.

Республика "Маънавият ва маърифат маркази" вилоят бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Ортиқ Вафоев таъкидлаб ўтганидек, жамиятни "ушлаб" турадиган устунлардан бири — бу маънавиятдир. Бинобарин, кўзланган мақсадларга эришишда кишиларнинг, жумладан, ёшларни маънавий-маърифий, ҳуқуқий-сиёсий билимлар билан қуроллантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бухоро Давлат университети доценти, иқтисод фанлари номзоди Маҳмуд Орипов, шунингдек, партия вилоят кенгаши бўлим мудири Гулруҳ Ҳасанова, партия вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Фармон Аминов ўз чиқишларида асосий эътиборни тадбиркорлар манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жамиятни эркинлаштириш жараёнида O'zLiDePнинг иштирокини кенгайтириш соҳасидаги вазифаларга қаратдилар.

Семинар якунида тўпланганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

## Ўзбек-фин ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда

**Ўзбекистон ва Финляндия тадбиркорлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 5-7 июнь кунлари финляндиялик ишбилармонларнинг вакиллари мамлакатимизда бўлишди.**

■ **Феруза ЭГАМОВА**

Ушбу ташриф Финляндия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Марья Лийса Кильюнен хонимнинг кўмаги ва "Entre Marketing Oy&Ltd" (Финляндия) Халқаро маркетинг хизмати маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилди.

Делегация таркибида нефть-кимё, нефть-газ, нефтни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз, тоғ-кон, ёғоч ва озиқ-овқат саноати учун ускуналар ишлаб чиқариш ва техникавий қўллаб-қувватлаш, тижорий, маиший мулатгич ускуналари ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритувчи йирик компанияларнинг вакилларидан иборат эди.

Финляндия Ўзбекистон Республикаси билан "Ўзаро сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида"ги (1990 й.) битимни биринчилардан бўлиб имзолаган ва "Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида"ги (1997 й.) битимни ратификация қилган давлатдир.

Ўтган вақт мобайнида икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмасида ўсиш суръатлари кузатилди. 2005 йили Ўзбекистоннинг Финляндия билан жами савдо айланмаси 26,4 млн. АҚШ доллари (2004 йилда - 18,2 млн. АҚШ доллари)ни ташкил этган бўлса, экспорт 1,96 млн. АҚШ долларини (2004 йилда - 0,3 млн. АҚШ доллари), импорт эса 24,4 млн. АҚШ доллари (2004 йилда - 17,9 млн. АҚШ доллари) миқдорида бўлди. Шунингдек, маҳсулот ва хизматлар экспорт ҳамда импорт таркибининг кенгайиши давом этмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи "Скан-Микс-Самарқанд" ўзбек-фин қўшма корхонаси ва машина-ускуна қисмларини етказиб бериш ҳамда маркетинг соҳасида иш юритувчи "Сандвик Майнинг корпорэйшн" фирмасининг ваколатхонаси фаолиятини юритмоқда.

Ташриф давомида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилиш ҳамда ишбилармонлик алоқаларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган умумий ёндашувни ишлаб чиқиш бўйича фикр алмашиш мақсадида ўзбек-фин бизнес-форумини ташкиллаштирилди.

Форумда "Metso Automation", "Saycor", ABB ва бошқа бир қатор нуфузли фин компанияларининг тақдимоти ўтказилди.

Шунингдек, икки давлат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри шерикчилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида кооперацион биржа ўтказилди. Яккама-якка мулоқотлар давомида томонлар ҳамкорлик алоқалари истиқболлари ва биргаликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун хориж инвестицияларини жалб этиш имкониятларини муҳокама этишди.

Ташриф дастурида Финляндия делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекнефтегаз" МАК, "SIBUR" ҚК, "AZN" АЖ, "Тошэлектроаппарат" ОАЖ, "Ўзлитинефтгаз" ва бошқа бир қатор корхоналарнинг раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида мавжуд инвестициявий ва экспорт имкониятларини баҳолаш орқали икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинди.

## Ишонч ва масъулият

**Мамлакатимизнинг барча жойларида ўтаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунловчи босқичга кирди.**

■ **М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири**

Фарғона вилоятида ҳам бу жараёнга муносиб ҳозирлик кўрилди. Шу кунга қадар 956 маҳалла фуқаролар йиғинида сайловлар ошкора, холис, демократик тамойиллар асосида ўтди. Сайловлар натижасида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислигига 318 нафар номзод янгидан сайланди. Шунингдек, 9 минг 159 нафар маслаҳатчилар тасдиқланди.

Тошлоқ туманида мавжуд 51 та маҳалла фуқаролар йиғинида сайловлар очиқ, ошкора ўтди. Сайловчилар вакиллари маҳалла ободлиги, фаровонлиги йўлида камарбаста бўла оладиган муносиб номзодлар учун овоз бердилар. Бағдод, Қува, Олтиариқ, Сўх туманларида ўтган сайловлар ҳам худди шундай руҳда якунланди.

# ЖАРАЁН

**БАХТИМИЗНИНГ ўндан тўққиз улуши СОҒЛИҒИМИЗГА БОҒЛИҚ**

# Эл соғлиғига камарбаста

## Сирдарё вилояти тиббиёт ходимлари ўз номларига муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқдалар

Саломатлиги жойида одамнинг касб-корида ҳам барака бўлади, ишлари ҳамиша ўнгидан келади. Кундалик фаолияти билан ҳам ўзига, ҳам давлатга наф келтиради. Айтишларича, америкаликлар долларни, шарқликлар тиллони асосий бойлик, деб билишар экан. Гуржилар эса энг муҳими — соғлиқ, бошқа ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин, деган ақидага амал қилишаркан. Аммо бир нарса аниқ: миллионлаб доллар, тонналаб олтин ҳам вақти келганда бир саотлик саломатликнинг ўрнини босолмайди. "Соғ танда - соғлом ақл", "Соғлиғ - олтиндан қиммат", "Саломатлик — туман бойлик", "Эл соғлиғи — юрт бойлиги" каби ота-боболаримиздан мерос ўгитлар бежиз авлоддан-авлодга ўтиб келмаяпти.

■ **Примқул ДЎСТМАМАТОВ, «XXI asr» мухбири**

Аммо афсуски, уларга ҳамиша ҳам риоя қилавермаймиз. Касалликка чалиниб, бошимиз ёстиққа теккандагина, ҳаракатга тушиб қоламиз. Вақоланки, мамлакатимизда инсон саломатлиги учун давлат даражасида ғамхўрлик қилинаяпти. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тиббиёти деярли тўлиқ ислоҳ қилинди. Қўшни давлатлар у ёкда турсин, ҳатто ривожланган мамлакатлар мутахассислари ҳам бугун ўзбек тиббиёти тизимида эришилган муваффақиятларга тан бермоқдалар. Булар — давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳани ислоҳ этиш йўлида эришилган муваффақиятларнинг дастлабки натижалари. Яъни тармоқни замонавийлаштириш сари қўйилган илк қадамлардир.

Яқинда Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи якунларига бағишланган "Давра суҳбати" бўлиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Тожиқул Бўроновнинг олиб борди.

Т. Бўроновнинг таъкидлашича, собиқ тузум даврида тиббий хизмат кўрсатишнинг 5 босқичли тизими амал қиларди. Бошланғич бўғин — фермерлик-акушерлик пункти, иккинчиси - қишлоқ врачлик амбулаторияси (қатнаб даво олиш), учинчиси - қишлоқ участка шифохонаси, тўртинчиси — туман шифохонаси ва, ниҳоят, охиргиси — марказий туман шифохонаси. Бундай кўппоғонали тизим бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермаслиги табиий эди. Сабаби - аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг 5 поғонали тизимига асосланган муассасаларни замонавий жиҳозлар ва малакали мутахассислар билан таъминлаш, тиббий ёрдам бериш сифатини ошириш катта қийинчиликларни вужудга келтирганди. Қишлоқларда мутахассисларга муҳтож участка шифохоналари ва фельдшерлик-акушерлик пунктларининг сони кўпайтирилгани, амбулатория-поликлиника ёрдамининг улкан тизими шаклангани билан афсуски, аҳоли ўртасида касалланиш, оналар ва болалар ўлими камаймади.

Шу боис иҳчам, лекин самарали тизим яратиш эҳтиёжи туғилди.

— Соғлиқни сақлашнинг янги — икки поғонали тизимини жорий этишга мўлжалланган "Саломатлик — 1" лойиҳаси амалда якунланди. Бунинг учун катта маблағ, куч ва вақт сарфланди. Самарасичи?

***Фарҳод Шерназаров, бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари:***

— Соғлиқни сақлаш тизимида тўпланган тажрибани янада бойитиш, уни мутараққий мамлакатлар тажрибалари асосида ўрганишни такомиллаштириш - "Саломатлик" дастурининг асосий талаби ҳисобланади. Янги, яъни икки босқичли тизим дастлаб тажриба сифатида Фарғона, Навоий вилоятларида амалга оширилди ва биз учун жуда мос, самарали усул эканлиги амалда исботлангач, барча вилоятларда жорий этишга киришилди. Ўтган йиллар мобайнида биргина Сирдарё вилоятининг ўзида 144 та қишлоқ врачлик пункт (ҚВП)лари ташкил қилинди.

Лойиҳани молиялаштириш учун Жаҳон Тикланиш ва тараққиёт банкидан 3,1 млн. АҚШ доллари олинди ва бу маблағ ҚВПларни замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга сарфланди. 229,7 минг долларлик дори-дармон харид қилинди.

Аҳолига тиббий хизматни янада яхшилаш мақсадида 9 та туман ва Гулистон шаҳри марказий шифохоналари қошида маҳаллий ҳокимликлар ҳомийлигида замонавий лабораториялар ишга туширилди. Уларга жами 662,8 минг АҚШ доллари қийматидаги ультратовушли ташхис асбоби, 12 каналли велоэргометрик ЭКГ, гемотологик, урологик, биохимик анализатор, автонлав, центрофуга каби ўта зарур жиҳозлар ўрнатилди. 11 та "УАЗ", 7 та ДАМАС автомашиналари сотиб олинди.

***— Тизимни тубдан ислоҳ қилиш учун мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шундай эмасми?***

— Ҳозирги кунда вилоятдаги барча ҚВПлар умумий амалиёт шифокорлари ва малакали ҳамширалар билан тўлиқ таъминланган. Уларда жами 173 нафар олий маълумотли шифокор ва кўплаб тажрибали ҳамширалар ишлаяпти. Улардан 160 нафари Тошкентда, 23 нафари эса хорижда касб маҳоратини ошириб қайтдилар.

***Аъзамжон Ибодуллаев, вилоят "Саломатлик" лойиҳасини амалга ошириш бюроси раҳбари:***

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 мартда "Фарғона вилоятида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида "Саломатлик" лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида"ги 100-қарори асосида Сирдарё вилоятида ҳам ана шундай тажриба ўтказиш ҳақида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди. Ушбу тажрибани вилоятимизнинг Боёвут, Мирзаобод, Сирдарё туманларида қўллаб, унинг юз фоиз самара беришига ишонч ҳосил қилдик. 2003 йилга келиб, бу янгилик вилоятдаги 138 та ҚВПга жорий қилинди.

***— Натижаси қандай бўлаяпти?***

— Биринчидан, қишлоқ врачлик пунктларини моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Иккинчидан, уларда ишлаётган врачлар ва ҳамширалар савияси ва билим даражаси кўтарилди. Натижада аҳолига тиббий ёрдам ва хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Учинчидан, аҳолининг ҚВПларга қатнови сони 35 фоизга ортганлиги аниқланди. Туман марказий шифохоналарига йўлланмалар сони 31, стационарларга эса 24 фоизга қисқарди. Тўртинчидан, ҚВПларни дори-дармонлар билан таъминлаш барқарорлигига эришилди.

**Гулнора Маматкаримова, "Деҳқонобод" қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси, республика "Ҳамшира — 2005" танлови ғолиби:**

— Қишлоқ врачлик пункти — соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш меваси. Афсаллик томони шундаки, бу маскан аҳолининг яшаш жойига яқинлашди. Одамлар аввалгидек, дастлаб фельдшерлик-акушерлик пунктига, кейин қишлоқ врачлик амбулаторияси ёки туман шифохоналарига қатнамай, ён-атрофдаги ҚВПга борадиган бўлишди.

Мурожаат қилганлар имкон даражасида шу ернинг ўзида даволанаяптилар. Борди-ю, касаллик жиддийроқ бўлса, аввалгидек қишлоқ ёки туман шифохонасига эмас, балки туман марказий шифохонасига йўлланма берилаяпти. Бу муҳим омил одамларнинг соғлиқни сақлаш тизимига ишончини оширди. Мутахассисларимиз эса эндиликда ўз маҳоратларини тинмай юксалтириш устида ишлашга мажбур бўлаяптилар. Негаки, аҳоли ҳаётдан орқада қолган шифокорга мурожаат қилмай қўйиши аниқ.

***— Соғлиқни сақлаш муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва соҳада тадбиркорликни ривожлантириш қандай кечаяпти?***

**Бошқарма бошлиғи Тожиқул Бўронов:**

— Тизимда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилган. 1999-2005 йиллар давомида 44 та муассаса ва иншоот фақат тиббиёт мақсадларида фойдаланиш учун танловга қўйилди ва хусусийлаштирилди. Ҳозирги вақтда 2 та шифохона, 17 та стоматология поликлиникаси, 11 та умумий поликлиника ва 22 та хусусий тиббиёт муассасалари аҳолига малакали хизмат кўрсатаяпти. Ўтган йили 7 та муассасани ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказдик. Аҳолига пулли хизмат ва ёрдам кўрсатиш натижасида бюджетдан ташқари 66 млн. сўмлик тушумга эришдик.

***— Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки беш ойи якунлари бўйича қандай фикрдасиз?***

— Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, натижалар кутилганидан зиёда бўлаяпти. 680 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган салкам 10 минг врач ва ўрта бўғин ходимлари бу йил соҳамизга алоҳида эътибор қаратилганидан чексиз миннатдордирлар. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган дастурга биноан 144 та ҚВП, 12 та туман ва шаҳар шифохоналари, 11 та диспансер, 175 та амбулатория-поликлиника ва яна 24 та фельдшерлик-доялик пунктларига ҳомийлар томонидан амалий ёрдамлар берилаяпти. Ховос туманидаги Ғанишер Юнусов номли фермерлар уюшмасидаги дам олиш уйи шифокорларга туҳфа қилинди. Бу ерда ёзда уларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқарадилар, қишда эса ўзлари бориб даволанадилар.

Жорий йил баҳорида вилоятнинг ҳар бир тумани ва шаҳарида биттадан "Ҳомийлар ва шифокорлар боғи" барпо этилгани, Гулистон шаҳрининг ўзида эса якка тартибда уй-жой қурмоқчи бўлган 22 нафар тиббиёт ходимига тегишли ер майдони ажратиб берилгани, йилига 510 нафар ўрта тиббиёт ходими тайёрлашга мўлжалланган 1439,3 млн. сўмлик коллеж қурилиши бошлангани соҳамизга берилаётган юксак эътибордан далолатдир.

Юқорида келтирилган мисоллар ишнинг бошланиши, холос. Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастурига кўра, ҳали жуда кўп хайрли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шубҳа йўқки, улар ҳам тўлиқ адо этилади.

# Табиатни асраш — муқаддас бурчимиз

5 июнь — «Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни» муносабати билан Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди.

■ **Аброр ТОЖИБОЕВ**

Унда табиатни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бу борада тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакилларини республикамизда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ўтказилаётган мониторинг натижалари билан ҳам таништирилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистондаги биохилма-хиллик тўғрисида ҳикоя қилувчи "Табиатни асранг" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шундан сўнг Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан она-табиат ва уни асраш мавзуларида ўтказилган турли кўрик-танловларнинг ғолибларига эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди. Анжуманда "Қизил китоб"нинг такомиллаштирилган иккинчи жилди нашрдан чиққани тўғрисида маълумот берилди. Мазкур китоб юртимиз набот ва ҳайвонот дунёсининг кўпгина намуналари билан бойитилган.

# Судьялар учун тренинг

Республика Юристлар малакасини ошириш марказида Ўзбекистон судьялари учун Европа фуқаролик ва савдо ҳуқуқлари мавзуида тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан суд тизимининг кўплаб вакиллари иштирок этдилар. Германиянинг Техникавий ҳамкорлик бўйича уюшмаси — GTZ томонидан уюштирилган ушбу тренингдан мақсад, Ўзбекистон судьяларини Европа Иттифоқи мамлакатларининг фуқаролик ва тижорий ҳуқуқларни қўлланиш соҳасидаги тажрибаси билан таништириш ҳамда маҳаллий судьяларнинг билим даражасини оширишдан иборат эди. Маҳсулотларни харид қилиш бўйича Халқаро Вена конвенцияси иштирокчилар муҳокамасининг асосий мавзуи бўлди. Ушбу тадбир "Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ҳамда шерикчилик тўғрисидаги келишув"ни амалга оширишга қўмаклашиш — «Босқич-3» лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилди. Мазкур лойиҳа ўша ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожига кўмаклашишни кўзда тутади.

Тадбирда бундай тренингларни бир неча маротаба ўтказиш режалаштирилгани айтилди. Навбатдаги ўқув машғулотлари Европа Иттифоқининг алоҳида бир давлати мисолида савдо ва фуқаролик ҳуқуқларининг қўлланилиши масаласига бағишланади.

ТАЖРИБА

# Фақат ўзи учун яшамас одам

■ **Райҳона РАҲИМОВА, «Камолот» ЁИҲ Сариосиё туман бўлими бошлиғи, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати**

Тўлқин Абдуллаев тоғли Сариосиё туманидаги Сўфиён қишлоғида истиқомат қилади. 40 ёшни қоралаган бу йигит табиатан изланувчан ва тиришқоқ. У институтда ҳам аъло баҳоларда ўқиди, ўз мутахассислигининг сир-асрорини пухта эгаллади. Иш фаолиятини оддий ветеринария врачлигидан бошлаган Тўлқин тез орада тилга тушди. Дастлаб "Сўфиён" жамоа хўжалиги бош ветеринар вазифасида хизмат қилди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, хўжаликдаги бўрдоқичилик базаси мудири лавозимига тайинланди.

Айрим тоифадаги кишилар бундай "ёғли жой"да оёғи ердан узилиб, атрофдагиларни танимай қолишлари мумкин эди. Тўлқин эса бундай йўл тутмади, аксинча, ҳалол ишлади. Чорва молларини рацион асосида озиқлантириш, тўғри парваришлашга алоҳида эътибор қаратди. Шундан бўлса керак, бўрдоқига боқилган қорамолларнинг тирик вазни 750-800 килограммгача тош босадиган бўлди..

1995 йил Т. Абдуллаев давр руҳидан келиб чиқиб, ўз билим ва тажрибасини фермерликда синаб кўришга аҳд қилди. Унинг ихтиёрида 10 гектар ер майдони, 52 бош қорамол бор эди. "Шоҳруҳ" фермер хўжалигини ташкил этди.

2002 йилда 4 гектарда ғўза, 4 гектар майдонда ғалла, 2 гектарда озуқабоп маккажўхори парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштирди. Соф даромад 3 млн. 200 минг сўмни ташкил этди.

— Ўзбекистон Қаҳрамонлари Аҳмад Нарзуллаев ва Иброҳим Файзуллаевга эргашгим, улардан иш ўргангим келади, - дейди суҳбатдошимиз. — Чунки бу ажойиб инсонлар деҳқончилик ва чорвачилик илмини чуқур ўзлаштириб олишган.

Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Худо ҳам интилганга, ҳаракат қилганга берар экан. 2005 йилда "Шоҳруҳ" эришган натижалар фикримизни тасдиқлаб турибди. Йиллик даромад 27,5 млн. сўмни, рентабеллик даражаси 27 фоизни ташкил этди.

— Бу йил тижорат банкидан 10 млн. сўм кредит олиб, хўжаликни кенгайтириш, иш шароитини янада яхшилашга аҳд қилганмиз. Қорамоллар бош сони 75 тага етказилади, — дея суҳбатни давом эттиради фермер. — Ҳозир хўжалигимизда 35 киши меҳнат қилаяпти. Ўртача ойлик маош 30 минг сўмдан зиёдроқ. Меҳнат ҳақига қўшимча сифатида берилаётган буғдой, чигит ёғи бу ҳисобга кирмайди. Яқинда 2000 бош паррандага мўлжалланган замонавий товуқхона қуриб, фойдаланишга топширдик.

Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинди. Серҳиммат фермер бу борада ўз режаларини кўнглига тугиб қўйган. 2005 йили "Сўфиён" маҳалласида ўтказилган оммавий хайрия тадбири учун 1,5 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ сарфлаган эди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, олий ўқув юрти талабалари ва мактаб ўқувчилари ҳам унинг доимий ёрдамидан баҳраманд. Шунингдек, салкам 20 млн. сўм маблағ эвазига бунёд этилган маҳалла гузари, ун тегирмони, макарон цехи ҳам маҳалла аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда.

"Шоҳруҳ" раҳбари туманда биринчилар қаторида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аъзо бўлган эди. У дала ва чорва ташвишларидан бўшаган пайтларда ҳамқишлоқлари орасига ошиқади, кексаю ёшнинг қалбига қулоқ тутади, муаммоларини ҳал этишга имкон қадар ёрдамлашади. Яқинда Т. Абдуллаев ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Мамлакат Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус-2006" кўрик-танловининг туман босқичида "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича 1-ўринни, вилоят босқичида 2-ўринни олди ва муносиб тақдирланди. Бу эса изланувчан, саховатпеша фермерга алоҳида куч ва илҳом бағишлаб, янги ютуқларга руҳлантирмоқда.

ЭЪЛОН

***КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!***

**Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлигининг Сурхондарё филиали 2006 йил 7,10,11 июль кунлари ўтказиладиган кимошди савдосига Сурхондарё вилоят суд бошқарувчиси томонидан қўйилган Қумқўрғон туман 1-сон механизациялашган кўчма жамланмасига қарашли қуйидаги мулкни қўяди.**

1.Механизмларни таъмирлаш устахонаси (автогараж) бинолари.

2.Ётоқхона биноси. **Бошланғич баҳоси — 4047055 сўм.**

**Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри. Тадбиркорлар маркази биноси. 2-қават, 10-хона. Телефон: 222-81-09. 22-68-321. Харидорлар савдо бошланишидан уч кун олдин ЎБМ Сурхондарё филиали аукцион савдоларини ташкил этиш агентлиги ҳисоб рақамига мулк бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ҳисоб рақами: 20208000404277899010. Ипотекабанкнинг Термиз шаҳар бўлими. МФО: 00356.**

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг келажаги ва ёрдамига катта умид боғлаганмиз.

Партия аъзоларининг фаоллигини ошириш, уларнинг ғоявий-сиёсий билимларини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЭЗГУЛИКДА ЯШАШИМИЗ УЧУН ДОИМО ЎЗ-ЎЗИМИЗ БИЛАН КУРАШ ОЛИБ БОРМОҒИМИЗ ЛОЗИМ

## «Спорт ҳам сиёсатдир»

— дейди чим устида хоккей бўйича республика миллий терма жамоаси бош мураббийи, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Ринат Маматказин

Бугунги кунда Андижон вилоятида O`zLiDePнинг 530 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатаяпти. Ўз тақдирини мамлакатнинг эртанги куни билан боғлаган 13800 нафардан зиёд партия аъзолари орасида спортчилар ҳам оз эмас. Ринат Маматказин ана шулардан биридир. Очиғини айтганда, унинг хонаси кўпроқ Олимпия шон-шуҳрати музейини эслатади. Бу ердан нуфузли халқаро мусобақаларда қўлга киритилган турли кубок ва дипломлар жой олган.

■ Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Энг эътиборлиси, жамоа аъзоларининг ҳаммаси O`zLiDeP аъзосидир.

— Партия аъзоси бўлиш зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди суҳбатдошимиз. — Бир эътиқод, бир ғоя йўлида бирлашган сиёсий кучнинг вакили эканлигини ҳис этиш жуда ёқимли, албатта. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Спортда осон йўлнинг ўзи йўқ. Ҳар қандай муваффақиятга меҳнат ва машаққат орқалигина эришилади. Буни ўз тажрибамиздан яхши биламиз.

Умуман, чим устида хоккей спорти узоқ тарихга эга. Яна икки йилдан кейин унинг Олимпия ўйинлари қаторидан ўрин эгаллаганлигига юз йил тўлади. Ўзбекистонда эса чим устида хоккей 70-йиллардан ривожлана бошлаган. Ринат Азизовичнинг ҳаёти ва фаолияти мазкур спорт тури билан чамбарчас боғлиқ. У ўрта мактабни тамомлаб, Андижонда ташкил этилган "Меҳнат" спорт клубида ўз маҳоратини оширди. Чим устида хоккей спортини ривожлантириш учун ташкил этилган жамоага И.Кузнецов бир неча йил давомида мураббийлик қилди.

— Ўша йилларда шаҳримизга Тожикистон, Сибирь ва Урал ўлкаларидан кўплаб хоккей командалари ташриф буюрган, — эслайди Р. Маматказин. — Албатта, баъзан ютганмиз, баъзан ютқазганмиз. Спорт шуниси билан қизиқ, албатта. Эсимда бор: Душанбе шаҳридаги жисмоний тарбия ва спорт институти қошидаги чим устида хоккей бўлимида ўқиш ҳамшаҳарларимиз орасидан фақат менга насиб этган. Хуллас, ўқишни тамомлаб, Андижонга қайтиб келдим ва мураббийлик фаолияти билан шуғуллана бошладим. Бу спорт турига қизиқувчилар кўп эди. Янги жамоа ташкил этиб, унга "Юлдуз" деб ном бердик. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг 15 карра чемпиони бўлдик.

Дарҳақиқат, шундай. Андижонлик спортчилар Олимпия ўйинларида ҳам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашган. Кейинчалик хоккей жамоаси "Андижон" номи билан юритила бошланди. Ўтган йили мамлакатимиз миллий терма жамоаси (у асосан "Андижон"лик спортчилардан ташкил топган) чим устида хоккей бўйича Россия биринчилиги очиқ чемпионатида иштирок этиб, энг юқори ўринни эгаллади. Бу каби ютуқларга эришишда жамоа сардори Ғолиб Қаландаров, ярим ҳимоячи Равшан Зокиров, ҳимоячилар Энвер Исмоилов, Роман Себаев, Дониёр Холмирзаев, Марат Маматказин, дарвозабон Пётр Маркелов ва бошқаларнинг ҳиссаси каттадир.

Ҳозирги кунда "Андижон" жамоасининг моддий базасини мустаҳкамлаш учун вилоятдаги 8 та йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳомийлик қилмоқда. 2005 йилда улар томонидан 3 млн. сўм, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 2 млн. 800 минг сўм маблағ ажратилди.

— Спорт ҳам сиёсатдир, — дейди Ринат Маматказин. — Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар бир миллатни, аввало, унинг спорти дунёга танитади. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг келажаги ва ёрдамига катта умид боғлаганмиз. Тўғри, ушбу партиянинг Андижон вилоят кенгаши барча интилишларимизни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси O`zLiDeP вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Улар бизнинг муаммоларимизга қарамай, тегишлича амалий ёрдам кўрсатадилар, деб ишонамиз.

Шу ўринда «Андижон» жамоаси O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Андижонда ўтказилган сайёр йиғилиши эътиборидан ҳам четда қолмаганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Спорт жамоаси партия вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Бу эса спортчиларни янги марралар сари илҳомлантириши табиий. «Андижон» жамоаси сардори Ғолиб Қаландаров Ижроқўмнинг сайёр йиғилишида сўзга чиқиб, йиғилганларга Россия очиқ чемпионатининг олий лигасида юқори ўринларни қўлга киритишга ваъда берди.

Яна бир гап. Чим устида хоккей спорти бугунги кунда Олимпия ўйинлари орасидан жой олган. У мамлакатимиздаги йўлга қўйилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари таркибига ҳам киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

РИНАТ МАМАТКАЗИН,
**1954 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. Тожикистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институтини битирган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.**

**«Партиянинг саъй-ҳаракатлари ҳар томонлама камол топган, Ватанга содиқ, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнларида фаол иштирок этишга тайёр йигит ва қизларни тарбиялашга йўналтирилади... »**

O`zLiDEP Дастуридан

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кейинги йилларда маҳаллий аҳолининг коммунал ва ижтимоий шароитларини яхшилаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қуйи таянч бўғини раиси Зафаржон Собиров раҳбарлик қилаётган АТ "Пахтабанк"нинг Водил бўлими ҳам бу борада четда қолаётгани йўқ, албатта. Айни кунда банкда 315 нафар оилавий тадбиркор учун ҳисоб рақами очилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига 500 минг сўмдан, жами 157 миллион 400 минг сўм миқдорида микрокредитлар берилди.

## Водиллик маслакдошлар

иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда

■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

— Водиллик тадбиркорлар ўзларига ажратилган ана шу маблағ ҳисобига 203 бош сигир, 73 бош новвос, кўплаб қўй-қўзи харид қилишиб, оила бюджетини мустаҳкамлашга эришишмоқда, — дейди партия фаолларидан бири Мухторжон Дадажонов. — Энг муҳими, ана шу ҳисобдан 730 та янги иш ўринлари яратилди.

O`zLiDeP аъзоларидан Шерзоджон Қосимов, Азизбек Сотволдиев, Давлатжон Мадалиев, Оминахон Сотволдиева, Ферузахон Сиддиқова мижозларга намунали хизмат кўрсатиш билан бирга ўз зиммаларига юклатилган партиявий топшириқларга сидқидилдан ёндашиб, кўпчилик ҳурматини қозонишмоқда. Партия сафлари кенгайиб бораётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Ҳозирги кунда банкнинг 26 нафар ходими бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшганлиги фикримизни тасдиқлаб турибди.

— Мижозларга намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг мушкулини осон қилиш диққат марказида турган масалалардан биридир, — дейди БПТ раиси Зафаржон Собиров. — Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилган кредитлар ўз самарасини бераяпти. Аввало, туманда ишсизлик муаммоси ўз ечимини топмоқда. Қолаверса, чорвачилик, қорамолчилик, паррандачилик ва бошқа тармоқлар янада ривожланиб, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 215 ҳамда 255 сонли қарорларига асосан тумандаги 5 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида 569 та фермер хўжалиги, 5 та муқобил МТП ташкил этилди. Янги мижозлар учун қулайликлар яратиш мақсадида жойларда 3 та минибанк ишга туширилди.

Фақат шугина эмас.2006 йил пахта ҳосили ҳаражатларини молиялаштириш учун 254 миллион 762 минг сўм, ғаллачилик учун 134 миллион 673 минг сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди-ки, бу янги ташкил этилган фермер хўжаликларига бўлган катта ишонч белгисидир. Мулкчиликнинг янги шакли ижобий самаралар беришига шак-шубҳа йўқ. Чунки ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Эгалик туйғуси эса фермерларга янги куч-қувват бағишлаб, уларни янги марраларга руҳлантирмоқда.

Зафаржон Собиров,
**1975 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Фарғона политехника институтининг молия-кредит факультетини тамомлаган. Айни пайтда АТ "Пахтабанк"нинг Фарғона вилояти Водил бўлими бошқарувчиси ҳамда бошланғич партия ташкилоти раиси.**

Ана шуларнинг ҳаммасида бошланғич ташкилот атрофига жипслашган фаолларнинг салмоқли ҳиссаси борки, улар давр руҳини теран англаб, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш йўлида ўз куч-ғайратлари, билим ва маҳоратларини аямаяптилар.

**«Партия давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган ислоҳотларини, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди ва бу ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этади...»**

O`zLiDEP Дастуридан

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

# O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

## Ҳикмат излаган Ҳикмат

### ёки ғойбулик партиядошлар фаолиятига бир назар

Урганч шаҳрининг қоқ биқинида хушманзара, хушҳаво бир қишлоқ бор. Номи - Ғойбу. Ғойбуликлар азалдан ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолияти билан ном чиқаришган. Қишлоқ заминида етиштириладиган турли ноз-неъматлар нафақат ўлкамизда, балки қўшни республикаларда ҳам машҳур. Ҳикоямиз қаҳрамони — ёш бўлса-да, кўпчиликка бош, иқтидорли мутахассис Ҳикмат Ражабов ана шу қишлоқда туғилиб ўсган. Урганч қурилиш коллежининг молия-кредит бўлимини тугатиб, турли соҳаларда бир неча йил меҳнат қилди.

■ **Тузалбой РАҲИМБОЕВ**



— Инсон ҳаётида туб бурилиш даври ҳам бўларкан, — дея ҳикоя қилади Ҳикмат. — Кўнгилда ғайрат ва иштиёқ ўти сўнмаса бас. Фермер хўжалиги ташкил этиш ниятим борлигини отамга айтганимда, у киши фикримни маъқуллаб, йўл-йўриқ кўрсатдилар. Очиғи, падари бузрукворимнинг раҳбарлик соҳасидаги кўп йиллик тажрибаси ва қимматли маслаҳатлари иш фаолиятимни йўлга қўйишда жуда қўл келди.

От изини той босар, дейдилар. "Ражаб — Тоҳир" фермер хўжалигини бугун вилоятда кўпчилик яхши билади. Ҳосилдорлик ва самарадорлик йил сайин ошиб бормоқда. Жамоа аъзолари ўзаро аҳил, иноқ. Фермер хўжалиги 130 гектар экин майдонига эга. Шундан 60 гектари пахтачилик учун ажратилган. 30 гектар майдонда эса буғдой, озуқа экинлари етиштирилади. Хўжаликда 70 бош қорамол парваришланмоқда. "Ғойбу-сут" кичик корхонаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Корхона бир кеча-кундузда 2 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда тайёрланаётган 7 турдаги сут маҳсулотлари сифати билан ажралиб туради.

Эришилаётган ютуқларда фаолларнинг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Ҳикмат Ражабовга келсак, у туманда биринчилар қаторида O`zLiDeP сафига кирган эди. Ташаббуснинг қаноти бор, деганлари тўғри экан.Фермер хўжалигида меҳнат қиладиган 50 нафар ишчидан 15 нафари ўз тақдирини янги партия билан боғлашга қарор қилди. Шу тариқа бошланғич ташкилотга асос солинди. Сафдошлари Ҳикматга катта ишонч билдириб, уни ўзларига етакчи этиб сайладилар.

— Бошланғич ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қонунчиликдаги янгиликлардан доимо хабардор бўлиши зарур, — дейди БПТ раиси. — Зеро, замон руҳини англаш, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш учун ҳар бир кишидан пухта ҳуқуқий билим талаб этилади.

Дарҳақиқат, шундай. Партия аъзоларининг фаоллигини ошириш, уларнинг ғоявий-сиёсий билимларини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти. O`zLiDePнинг мақсад ва ғояларини кенг тарғиб қилиш, ёшларни партия сафларига жалб этиш, тараққиётимизга ғов бўлаётган турли нуқсонларга қарши муросасизлик муҳитини шакллантириш жойларда ташкил этилаётган сиёсий тадбирларнинг асосий мавзуидир. Айниқса, кам даромадли оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, боқувчисини йўқотган қарияларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш диққат марказида тутилаяпти.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да бошланғич партия ташкилоти раиси Ҳ. Ражабовнинг ташаббуси билан Ғойбу қишлоғида жойлашган шифохона ва Махтумқули номли мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари сотиб олиш учун 150 минг сўм маблағ ажратилди.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, дейдилар. O`zLiDeP Урганч тумани Кенгаши аъзоси Ҳикмат Ражабов ўз фаолияти давомида бунга қатъий амал қилиб келмоқда. Зеро кишиларга яхшилик қилиш, улар муаммосини ҳал этишда кўмаклашиш энг савоб иш ҳисобланади. Бу, шубҳасиз, қаҳрамонимиз ўзи учун кашф этган ҳаётий ҳикматлардан биридир.

## Маҳалла тинч — Ватан обод

### Кармана тажрибаси шундай дейишга асос бўлаяпти

Оила тинч - маҳалла тинч, маҳалла обод — Ватан обод. "Деҳқон" маҳалласида яшовчилар буни ҳаётий тажрибадан яхши билишади. Улар аждодлари яшаб ўтган масканни янада ободонлаштириш, ота-боболари анъаналарини изчил давом эттириш учун барча имкониятларни ишга солишаётир. Шу боис хонадонлар, маҳалла ҳудуди тобора чирой очиб, гўзал ва кўркам қиёфа касб этмоқда. Энг асосийси, одамлар онгу шуурида Ватан туйғуси, унинг порлоқ эртаси учун жавобгарлик масъулияти чуқурлашиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада, шубҳасиз, O`zLiDeP фаоллари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

■ **Олим ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири**

— Оила жамиятимиз ўзагидир, - дейди М. Шодиева. — Шу боис ташкилотимиз иш режасида оилавий масалаларга алоҳида ўрин ажратилган. Маҳаллада 2500 дан ортиқ аҳоли яшайди. Мавжуд 473 та хонадоннинг турмуш тарзи, иқтисодий шарт-шароитидан доимо хабардормиз. Жойларда партиямизнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, мафкуравий ишларнинг самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорларни ўйлантириб турган муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам кўрсатилаяпти. Шу туфайли O`zLiDePга бўлган ишонч ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, аҳиллик ва ташкилотчиликда ҳикмат кўп. Излаган имкон топади. БПТ раисининг ўзи тадбиркорлик бобида маҳалладошларига ўрнак. Ўғли Улуғбек балиқчилик, келини Инобат эса тикувчилик билан шуғулланишаяпти. Натижада оила дастурхони янада тўкинлашиб, эҳтиёждан ошиқча маблағ хайр-саховат тадбирлари учун сарфланмоқда. Карманада бу каби меҳнатсевар, саховатпеша инсонлар кўпчиликни ташкил этади.

Маҳалла хонадонларида касаначиликни кенг йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда. Туман ҳокимлигининг меҳнат бўлими билан ҳамкорликда бу борадаги эҳтиёж ва имкониятлар ўрганиб чиқилди. Айни пайтда Сурайё Бекназарова, Насиба Баҳронова, Гулчеҳра Саидова, Замира Аҳмедова сингари ўндан ортиқ уй бекалари касаначилик билан шуғулланиб, яхши даромад топишмоқда. Улар қўлида жило топган миллий кийим-кечаклар, сўзаналар, элита пардалари савдо пештахталарида туриб қолаётгани йўқ, десак ишонаверинг.

Оёққа туриб олган тадбиркорлар эса маҳаллани ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшишаяпти. Айни пайтда уларнинг ҳиммати билан маҳалла гузари барпо этилмоқда. Бу ердан МФЙ янги бинoси билан бир қаторда тиббиёт хонаси, дорихона, сартарошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, оилавий дам олиш маскани ўрин олади. Асосий мақсад, одамларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратишдир. Янги барпо этилаётган савдо, умумий овқатланиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, боғ ва гулзорлар, фавворалар ҳақида гапирмай қўя қолайлик.

Маҳалладошларнинг қучғайрати ва интилишларини эзгу мақсадлар сари йўналтиришда Улуғбек Ҳафизов, Маҳсуд Мухторов, Гулруҳ Зайниддинова, Содир Зайнуддинов, Равшан Шерматов, Эркин Қодиров, Баҳрон Қодиров, Ашур Нарзиев, Мавлон Файзиев сингари партия фаолларининг ҳиссаси катта бўлаётир. Аҳоли ўртасида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари кутилган самарани бераяпти. Маҳалла ҳудудидаги тинчлик ва аҳилликка ҳавас қилса арзийди. Оилавий ажралишлар, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини деярли учратмайсиз. Ўтган йили Майрам Шодиеванинг "Энг яхши маҳалла маслаҳатчиси" республика танловининг туман ва вилоят босқичида ғолиблар қаторидан ўрин эгаллаганлиги бежиз эмас.

Бошланғич ташкилот эртанги кунимиз эгалари — болалар тарбиясини ҳам эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Маҳаллада кутубхона, мусаввирлик, шахмат-шашка, компьютер саводхонлиги тўгараклари ишлаб турибди. Спорт мусобақалари йўлга қўйилган. Уларнинг ғолиблари ҳомийлар томонидан рағбатлантирилиб борилмоқда. Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни ҳам кенг нишонланди. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган "Болаларга беринг дунёни" байрам тадбири унинг иштирокчилари ва ота-оналарда катта таассурот қолдирганлиги шак-шубҳасиз.

Хуллас, маслакдошлар кучи билан маҳаллада амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ айтилганларнинг ўзиёқ БПТнинг серқирра фаолиятидан дарак бериб турибди.

— Сиёсий партияларнинг мавқеи кўп жиҳатдан етакчилар салоҳиятига боғлиқ, — дейди маҳалла фаоли, меҳнат фахрийси Муҳаммад Латипов. — Негаки, омма кўнглига йўл топиш осон эмас. Майрам Шодиева буни яхши тушунади. У партия фаолларини, бутун маҳалла аҳлини эзгу ишларга йўналтириб, партиявий бурчини сидқидилдан адо этаётир.

— Элга хизмат қилган киши эъзоз топади. Майрам Шодиеванинг Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланганлиги ҳам бежиз эмас.

Майрам ШОДИЕВА,
**1948 йилда туғилган. Бухоро давлат педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги — тарих ўқитувчиси. 2004 йилгача халқ таълими тизимида ишлаган. Халқ таълими аълочиси. Айни кунда Кармана тумани "Деҳқон" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ижтимоий, маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси, БПТ раиси.**

**«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ислоҳ қилиш — фуқаролик жамияти шароитида бевосита демократияни амалга оширишнинг асосий йўлидир. Партия маҳалланинг шахс, давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларини самарали ҳал этишга қодир бўлган фуқаролик жамиятининг етук тизими эканини ҳисобга олган ҳолда, унинг ҳуқуқи, мақоми ва моддий асосини мустаҳкамлаш тарафдоридир. Партия фуқароларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ манфаатларига мос келадиган, жамият ҳаёти ва давлатни бошқаришда масъулият билан қатнашишга имкон берадиган нодавлат ташкилотлар кенг тармоқли тизимини яратишни фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги стратегик вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.»**

***O`zLiDEP Дастуридан***

Туман марказий касалхонасида ташкил этилган мазкур семинарни O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Салим Болтаев кириш сўзи билан очди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлимининг раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Ортиқ Вафоев ўз маърузасида тингловчилар диққат-эътиборини аҳоли, айниқса, ёшлар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантиришда, мамлакатимизга қарши қаратилган ғоявий ахборот хуружлари ва бузғунчи мафкуралардан уларни ҳимоя қилишда O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва партия фаоллари амалга оширишлари зарур бўлган ишларга қаратди.

## Доимий фаолият юритувчи семинар

### Унинг дастлабки машғулоти Когон туманидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари раислари иштирокида ўтказилди

■ **Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири**

Бухоро давлат университети доценти, иқтисод фанлари номзоди Маҳмуд Ориповнинг семинардаги маърузаси эса "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва партия фаолларининг роли" масаласига бағишланди. Маърузада асосан 2005-2006 йилларда қабул қилинган тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, солиққа тортиш ва молиявий хўжалик юритиш фаолиятини текширишнинг



соддалаштирилган механизмини қўлланиш, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тартибини бир хиллаштириш, кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишига қаратилган Президент Фармонлари ва қарорларини ҳаётга татбиқ этишда O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва партия фаолларининг вазифалари хусусида сўз борди. Шунингдек, O`zLiDeP аъзолари жойларда янги иш ўринларини ташкил этишда ҳам жонбозлик кўрсатишлари, Когон туманида эса бу борада имкониятлар етарли эканлиги айтиб ўтилди.

Маълумки, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг алоҳида ўрни бор. ННТларнинг ҳуқуқий асослари ва муаммолари ҳамда бу муаммоларнинг ижтимоий-сиёсий шароитга таъсири ҳақида сўз борар экан, бу борада ҳам O`zLiDeP бошланғич ташкилотлар ва партия фаоллари ўз олдиларида турган вазифаларни белгилаб олишлари, ННТлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тегишли тадбирларни белгилаб олиб, амалга оширишлари талаб этилади. Бухоро давлат университетининг Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси Абдураҳим Болтаев ана шулар ҳақида атрофлича фикр юритди.

Туманда фаолият олиб бораётган O`zLiDeP бошланғич ташкилотларининг етакчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Илова учун масъуллар:**
**Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ**

ҲАЁТНИНГ мангу муаллими - тажриба

# ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

# Ривожланишда немисча аниқлик

## ёки "учинчи йўл"нинг афзалликлари ҳақида айрим мулоҳазалар

**Германиядек иқтисодиёти барқарор ривожланаётган илғор мамлакат билан мустақил Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги тобора кенг кўлам касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Жорий йилнинг май ойи охирида Германия Федератив Республикаси Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси раиси жаноб Клаус Мангольд бошчилигидаги ишбилармонлар делегацияси Ўзбекистонга келди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳурматли меҳмонни Оқсарой қароргоҳида қабул қилар экан, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар, жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларида импортга нисбатан экспорт ҳажми ўсаяпти. Ўтган йили бу борадаги умумий миқдор қарийб 326 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизга 1994-2004 йиллар мобайнида "Даймлер Крайслер" концернида ишлаб чиқарилган қарийб 600 та "Мерседес" русумли автобус келтирилди.**





■ **Мир ТОҲИР тайёрлади.**

Европанинг қоқ юрагига жойлашган Германия барча даврларда бутун кўҳна қитъа тарихида муҳим роль ўйнаб келган. Буюк Карл ва Муқаддас Рим империясидан то Отто фон Бисмаркнинг немислар рейхи, нацизм, Берлин деворининг тикланиши ва бузилишигача ҳар қандай давлатга нисбатан унинг Европага таъсири кучлироқ бўлган. Жанубдаги баланд Альп тоғлари, Бавария текисликлари, мамлакат марказидаги ясси тепаликлардан Шимолий ва Болтиқ денгизларининг соҳилларигача ажойиб манзарани кузатиш мумкин: ҳайратомуз қасрлар, абадий кўкка бўй чўзган миноралар, ҳамиша ям-яшил дарё водийлари, сир-синоатга тўлиқ ўрмонлар ва ўрта асрлардан буён сақланиб келаётган қишлоқлар бу жаннатмонанд ўлкага ўзгача, бетакрор чирой бағишлаган.

Бугунги Германия фақат тарихий обидалар жамланган ўлкагина эмас, балки Европанинг етакчи саноат давлати ҳамдир. "Мерседес", "БМВ", "Фольксваген" сингари брендлар Германияни автомобиль ишлаб чиқарувчи йирик мамлакатга айлантирган. Шунинг учун ҳам у турмуш даражаси ниҳоятда юксак давлатлардан бири ҳисобланади. Франкфурт-Майн Германиянинг молиявий марказидир. Ўта замонавий бу шаҳарда Европадаги энг баланд бино қад ростлаб турибди.

Ҳозирги кунда ижтимоий бозор хўжалиги назариясини, айниқса, бозорда шаклланиши лозим бўлган тузилманинг тарихий хусусиятини ўрганиш коммунистик тартиботдан бозор тартиботига ўтиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакатлар учун катта қизиқиш уйғотиши табиий, албатта. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Германия эллик йилдан кўпроқ вақт мобайнида ижтимоий бозор иқтисодиётини барпо этиш учун босиб ўтган йўлга бир нигоҳ ташлаш фойдадан ҳоли бўлмайди. "Германия мўъжизаси" ёки баъзан "учинчи йўл" деб аталадиган Германиянинг ижтимоий бозор иқтисодиётини яратиш тажрибаси ҳақиқатан ҳам диққатга сазовор.

Тарихдан яхши маълумки, мутлақ хусусий мулкка қурилган, фойда олиш ва бозор-нарх йўналишидаги, ижтимоий хавфсизлик соҳасида давлат томонидан бирон-бир жиҳатдан кафолатланмаган, мувозанати тўғриланмаган ва даромадлар ўртасидаги жуда катта тафовут қисқартирилмаган капиталистик жамият ҳозирча воқеликка айлангани йўқ. Шундай экан, киши қариганида ижтимоий таъминланиши, соғлиқни сақлаш, дам олиш, ўқиш, умуман ёки қисман хўжалик ҳаётида иштирок эта олмаётган аҳоли табақаси ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, миллат ва давлат хавфсизлиги сингари бир қатор сабаблар ҳам борки, улар кўпчилик мамлакатларни, шу жумладан, Германияни ҳам ижтимоий бозор иқтисодиёти йўлидан боришга мажбур этмоқда.

Тарихан олганда, ижтимоий бозор хўжалигининг асосчилари кўп, аммо уни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этишда Людвиг Эрхард, концептуал ривожлантиришда эса Альфред Моллер-Армак асосий роль ўйнадилар. Бинобарин, ижтимоий бозор хўжалиги назарияси икки манбага - Адам Смит ва Давид Рикардонинг классик сиёсий иқтисоди руҳидаги нарх ва рақобат механизми ҳамда билим социологияси, маданият ва маданий фанлар социологиясига қурилади. Ижтимоий йўналиш ва нарх тизими, истеъмолчининг эҳтиёжлари ва истакларига мос бўлиб тушадиган талаб ва таклифни мувофиқлаштириш механизми воситалари сифатидаги бозорнинг марказий ва мустақил роли ўз тасдиғини топади. Бунда қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилишига катта ўрин берилади:

1. Эркин рақобат (бу ерда 1957 йилда қабул қилинган чекланган рақобатни тақиқлаш тўғрисидаги қонун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур қонун корхонанинг жойлашувини, ишлаб чиқариш усули, даромадни шакллантириш, техникани эркин танлаш ва шахснинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради). Зотан, бу ерда шуни ҳисобга олиш керакки, кўпчилик иқтисодчилар ижтимоий бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг рақобат қилишига эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Аммо Германия тажрибаси бундай хавфсирашларни инкор этади. Аксарият тадбиркорлар, айни пайтда харидорлар ҳам нарх билан эмас, балки сифат, тўлов ва товарнинг етказиб берилиш шартлари, реклама билан иш кўришни маъқул деб билишади.

2. Иқтисодий эркинлик ва иқтисодий ўсиш йўналиши (1999 йили Германияда ЯИМнинг ўсиш суръати 2,4 фоиз, 2000 йили эса 4 фоизни ташкил этди. Бу АҚШдагига нисбатан икки баробар камдир. Аммо бунга сабаб АҚШ молия бозорининг худди "совун кўпиги"дек сунъий равишда шиширилган катта жозибадорлигидир. Германияда ўсишга асосан ички талаб билан эришилади, инфляция деярли йўқ (0,7 фоиз атрофида), аҳоли даромади ошмоқда (солиқларнинг пасайтирилгани ҳисобига, бунда 2000 йилда қабул қилинган янги солиқ ислоҳоти ижобий роль ўйнамоқда, шунингдек, тарифли иш ҳақи ортиб бормоқда), саноат компанияларининг буюртмаси 11 фоиз ўсди, айниқса электрон-ҳисоблаш техникаси, кимё ва автомобилсозлик маҳсулотларига талаб катта (бу соҳадаги ўсиш 24 фоизни ташкил этди), саноатга инвестиция киритилиши 3,5 фоиздан иборат бўлди.

3. Ташқи савдонинг эркинлиги, валюталарни эркин айирбошлаш ва жаҳон иқтисодиёти доирасида халқаро меҳнат тақсимотининг кенгайиб бориши. Нега деганда, немис иқтисодиёти кўп даражада экспортга боғлиқдир. 1999-2000 йилларда Германиянинг экспорт фаолияти кескин жонланганини кузатилди (1999 йили бу соҳада аввалги йилдагига нисбатан 3,8, 2000 йилнинг биринчи ярмида эса 8 фоиз ўсди).

Кичик бизнес Германия саноатида ниҳоятда фаоллик кўрсатмоқда. Жумладан, автомобилсозлик учун юз минглаб кичик корхоналар ишлаб турибди. Улар йирик фирма ва компанияларнинг буюртмалари бўйича сифатли ва ишончли деталлар ишлаб чиқармоқда.

2005 йил 1 январидан эътиборан Германиянинг кичик ва ўрта бизнеси Европа Иттифоқи нормаларига мувофиқ тарзда таснифланаяпти. Ана шу нормаларга кўра, ходимлари сони 250 нафардан кам бўлмаган ва энг юқори йиллик маблағ айланмаси 50 миллион евро ни ташкил этадиган корхоналар ўрта бизнесга киритилади. Ходимлари сони 50 нафардан кам бўлмаган ва энг юқори маблағ айланмаси 10 миллион еврога етадиган корхоналар эса кичик бизнес ҳисобланади. Ходимлари 10 нафардан кам бўлмаган ва энг юқори маблағ айланмаси 2 миллион евроли корхоналар "майда" бизнес саналади. Турли хил вазирликлар, ҳунармандчилик ва савдо-саноат палаталари, шунингдек, банклар Европа Иттифоқининг ана шу нормаларига қараб иш тутадилар.

Кичик ва ўрта бизнес Германия иқтисодиётининг асоси, дейишади. Айни пайтда уни немис иқтисодиётини барқарор равишда ушлаб турадиган лангарга қиёслашади. ГФРнинг кўпгина йирик компаниялари, шу жумладан, эндиликда халқаро миқёсда тан олинган корхоналар айнан кичик бизнесдан ўсиб чиққан. Ҳозирги пайтда Германияда 3,7 миллионтага яқин кичик ва ўрта бизнес корхонаси мавжуд. Мамлакат маблағ айланмасининг деярли 50 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бироқ кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳозирги сони Германиядек ривожланган мамлакат учун жуда камдир. Шунга қарамай, немислар ўз ишларини бошлашга унчалик шошилаётганлари йўқ. Бунинг субъектив ва объектив сабаблари бор. Қанчалик ғалати туюлмасин, тадбиркорлик фаолияти йўлидаги субъектив тўсиқлардан бири немисларнинг менталитети ҳисобланади.

Хўш, нима учун немислар ўрта табақа қаторидан ўрин олишга интилишмаяпти? Ҳамма гап мағлуб бўлиб қолишдан психологик қўрқувда. Германияда синган корхоналарнинг эгаларига омадсиз деб қарашади. Немислар эса бундай тамғадан ниҳоятда қўрқишади. Мамлакатда ўз ишини бошлаб, кейинчалик бирон-бир нарсага эришмаган кишилар жамоатчилик томонидан қораланади. 2004 йилдаги маълумотларга қараганда, ўз ишини бошлашга қарор қилган кишилар (18 ёшдан 64 ёшгача) бор-йўғи 3,39 фоизни ташкил этган. Ана шу кўрсаткич бўйича Германия жаҳондаги 33 та мамлакат ичида 19-ўринни эгаллайди.

Шундай қийинчиликлар мавжудлигига қарамай, ўтган йили Германияда 960 мингта янги кичик корхона рўйхатга олинди. Ёпилиб кетган фирма ва компаниялар эса 676 мингтани ташкил этди. Давлат бизнес йўлидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш чораларини кўрмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Иккинчи жаҳон урушида батамом мағлуб бўлиб, иқтисодиёти бутунлай хароба ҳолига келган Германия 25-30 йил ичида нафақат ўз хўжалигини тиклаб олди, уруш асоратларидан қутулди, балки дунёнинг иқтисодиёти юксак даражада ривожланган, аҳолисининг турмуш фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бораётган илғор мамлакатлардан бирига айланди. Бундай ютуққа бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаш, фан-техника салоҳиятини кучайтириш, замон тараққиёти тенденцияларини тўғри англаб етиш ва, ниҳоят, немисча аниқ ҳисоб-китоб билан иш юритиш туфайли эришилди. Шундай экан, Германия тажрибаси ҳозирги пайтда ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар учун ибрат бўлиши мумкин.

ТАРАҚҚИЁТ

## Операция муваффақиятли ўтди

**Шанхай педиатрия маркази жарроҳлари уч қўлли туғилган икки ойли гўдакни операция қилганлар, деб хабар беради Би-Би-Си.**

Шифокорларнинг айтишича, болакайнинг омон қолган чап қўлини узоқ вақт мобайнида даволашга тўғри келади. 1 апрель куни дунёга келган гўдак туғма нуқсонлар, хусусан, битта буйрак, умуртқа суяги қийшиқ ҳолда туғилган. Бироқ жарроҳларни айниқса, унинг чап қўли иккиталиги ҳайратга солди. Улардан бири қўлтиқ остидан ўсиб чиққан бўлиб, тўла ёзилмайди ва кўкрака ёпишиб туради. Иккинчиси елкасидан ўсиб чиққан. Хуллас, иккала қўл ҳам тўла ишламайди. Шу боис шифокорлар олдида қайси қўлни қолдириш борасида мураккаб муаммо пайдо бўлди. Шанхай педиатрия маркази доктори Чен Бочан учинчи қўлнинг бу қадар ривожланиши ҳодисасига биринчи мартотаба дучор бўлганини айтган.

САВОЛ БЕРИНГ...

*Сўранг, жавоб берамиз.*

**Саволларга ҳуқуқшунос Ш. Шопўлатов жавоб беради.**

## Ўзбошимчалик билан қурилган иморат

***"Мен яқинда ер участкамда жойлашган уй ёнида рухсатнома олмасдан қўшимча иморат қурган эдим. Бироқ уни тегишли ташкилотларнинг вакиллари ўзбошимчалик билан қурилган, деб топишди. Энди бу иморатга мулк ҳуқуқи олишим мумкинми?***

***Ҳ. ЗАРИПОВ.***
***Ўртачирчиқ тумани".***

— Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат солиш учун рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда тикланган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ер майдонини эгаллаб олган ҳолда берухсат қурилган иморатлар жумласига уй ён-атрофидаги ҳудудда ўзбошимчалик билан қурилган гаражларни, уйга ёндош, туташ қилиб солинган турли қўшимча иморатларни, кўкаламзорлаштириб, кичикроқ боғ қилиб, айвонча ва шийпонча қуриб, ихоталаб ўраб олинган жойларни ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Шуни назарда тутиш керакки, ўзбошимчалик билан тикланган иморатни бузиш фақат суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 212-моддасида белгилаб қўйилганидек, бу шахс ўзбошимчалик билан қурган иморатини тасарруф этишга, яъни сотишга, ҳадя қилишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

## Тижорат вакиллиги нима?

***"Тадбиркорлик билан бир неча йилдан буён шуғулланаман. Яқинда тижорат вакили сифатида шартнома тузишда иштирок этишимга тўғри келади. Бундай вакилнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида маълумот берсангиз.***

***Э. ХОТАМОВ.***
***Фарғона шаҳри".***

— Тадбиркорлар шартномалар тузишаётганида, улар номидан доимо ва мустақил равишда вакиллик қилувчи шахс (тижорат вакили) ўзининг ваколатлари кўрсатилган ёзма шартнома асосида, бундай ваколатлар кўрсатилмаган тақдирда эса ишончнома асосида иш олиб боради.

Фуқаролик кодексининг 113-моддасида белгиланганидек, тижорат вакили ўзининг иштирокида тузилган шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини фақат тарафларнинг розилиги билан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлардагина айни бир вақтда ифодалаши мумкин.

Агар тарафлар билан тузилган битимда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тижорат вакили шартлашилган ҳақни ва топшириқни бажариш вақтида қилган чиқимларини тенг улушларда тўлашни шартномада қатнашган томонлардан талаб қилишга ҳақли.

Тижорат вакили топшириқни бажариб бўлганидан кейин ҳам савдо битимлари тўғрисида фақат ўзи биладиган маълумотларни сир сақлаши шарт.

ЭЪЛОН

ДИҚҚАТ: ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ!
«ALAFIA» АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, БАРЧА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ.
«ALAFIA» адвокатлик фирмасининг мижозларга ХЎЖАЛИК, ФУҚАРОЛИК, ЖИНОЯТ ва МАЪМУРИЙ ишлар юзасидан қабул қилади ва маслаҳатлар беради.
Сизларга 25 йилик ва ундан кўпроқ иш тажрибасига эга бўлган ташкилотлар адвокатлари малакали юридик ёрдамга кўрсатадилар.
ALAFIA
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Нукус» кўчаси, 73а-уй.
(Мўлжал: «Миробод» деҳқон бозори, «Кенгтепабанк» рўпарасида).
Телефонлар: (8-371) 132-25-15, 132-10-89.

# ҚАДРИЯТ

***ЁМОН ҳам ўтар, яхши ҳам - яхши бил,***
***Сени яхши ном бирла ёд этсин эл***

ЯХШИЛАР ЁДИ

# Эзгуликка бахшида умр

Қашқадарёда бўлганимизда, ҳамкасбларимиз қизиқ бир воқеани гапириб беришди.
— "Қуёш қораймас" романи бош қаҳрамонининг прототипи қаршилик Қурбон Ўлжабоев эканлигини биласизми?

**Зумрад АБРОРОВА**

"Ўлжабоев Қурбон 1914 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Қарши туман Ёртепа қишлоғидан. Камбағал чоракор оиласидан. 9 ёшидан олача тўқишни ўрганади. Ёзда деҳқончилик, қишда тўқувчилик.

... 1920 йилда ликбез муаллими келади (қишлоққа). Ёлғиз ўғил, ўқимоқчи. Лекин отаси рухсат бермайди. Лекин у муаллим ёзиб келган ҳарфларни кўчириб олиб, мустақил савод чиқаради. Сельсоветда котиб бўлиб ишлаган

1935 йилда Самарқанд. ЎзКУга боради. 1938 йили САГУнинг тарих факультетига ўқишга киради. ... 1942 йили ўқишни битириб, Сурходарё вилояти Шўрчи туман МТСига ишга юборилади. Кейин кутилмаганда Тошкентга чақирилади. Уйланган. 1942 йилнинг октябрида фронтга юборилади. Урушда эканлигида қизи туғилади..." Булар Ойбек қаламига мансуб сатрлардан олинган.

— Қурбон аканинг фронтда юрган кезлари туғилган қизи ҳозир Қаршида яшайди. Ота изидан бориб, йирик олим бўлган. Профессор. Хоҳласангиз таништириб қўяман.

Шу тариқа Қашқадарёдан чиққан биринчи профессор аёл Нортош Ўлжабоева билан танишдик.

— Отам раҳматли ўз ишига ниҳоятда берилган, фидойи одам эдилар, — дейди Нортош опа. — Урушдан ногирон бўлиб қайтганларига қарамай, вилоятда халқ таълимини ривожлантиришга, хусусан педагогика институтини ташкил этиш (дастлаб ўқитувчилар институти)га бош-қош бўлганлар. Сира ёдимдан чиқмайди. Институт қурилишида у киши ҳатто энг қора ишларни ҳам бажариб кетаверардилар. Оила ташвишлари эса бутунлай онамнинг зиммасида қоларди.

Баъзан ишдан бўш пайтлари уруш хотираларини сўзлаб берардилар. Айниқса, қирғинбарот жангларни ёдга олганларида, қулоғимиз вужудга айланиб, ҳар бир сўзларини эслаб қолишга ҳаракат қилардик. 1942 йилнинг охирларида Ўзбекистон ҳукумат делегацияси таркибида фронтга борган машҳур ёзувчи Ойбек билан бўлиб ўтган суҳбатларини эслаганда бутунлай бошқача бўлиб кетардилар.

— У киши билан соатлаб ҳамсуҳбат бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бутун дунё халқлари ҳаётидаги энг оғир дамлар кечган ўша пайтларни ёдга олиш жуда оғир. Аммо ёзувчимиз билан мароқли дамларни эслаганимда, шундай ажойиб одамларга рўбарў этгани учун Яратганга шукроналар айтаман. Ўшанда турли соҳа вакилларидан иборат делегация турли кийим-кечак, совға-саломлардан ташқари биз жангчиларга бутун ўзбек халқи номидан битилган тарихий мактубни ҳам олиб келганди. Мен, водийлик капитан Ҳолиддин Қурбонов, сержант Эргаш Баҳрамовга эса фронтдаги ўзбек жангчиларининг ёзган жавоб мактубини юртимизга олиб келиш бахти насиб этганди, ўшанда.

Дадам ўқитувчи эканлиги билан фахрланар, муаллимликни "дунёдаги энг улуғ касб", дея эъзозларди. Давр тақозоси билан шаҳар, вилоят Республика миқёсида турли вазифаларда ишлаган кезларида ҳам маориф тизимига алоҳида эътибор билан қараганлар. Бир пайтлар ўзлари тамал тошини қўйган Қарши давлат педагогика институтига 14 йил ректорлик қилган кезлари минглаб шогирдлар орттираётганликларидан ҳамиша ғурурланиб юрардилар.

Тақдир тақозосини қарангки, ота касбини мен ҳам давом эттирдим.

Нортош опа ҳам отаси, ҳам устози бўлган инсон ҳақида тўлиб-тошиб гапираётганида, очиғи, у кишига ҳавасим келди. Сафар чоғида профессор Ўлжабоев ҳақида яна кўплаб ибратли хотираларни эшитдим.

Халққа холис хизмат қилган, юрт равнақи, Ватан тараққиётига бел боғлаган бундай инсонлар ҳамиша қадрланганлар. Улар хотираси ҳам доимо эъзозда бўлади. Бугун Қарши шаҳридаги кўча ва вилоятдаги 4 та мактабнинг Қурбон Ўлжабоев номи билан аталаётгани боиси ҳам ана шунда.

Домланинг яна бир қизи — Гулнора опа билан суҳбатлашган одамнинг ҳам баҳри-дили очилади. У болалар шифокори, Қарши шаҳар туғруқхонасида соғлом авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб, ота ўгитларини амалда намоён этиб келаяпти.

Халқимизда "Яхши одамлардан ҳамиша яхши из қолади" деган нақл бор. У айнан Қурбон ака ҳаёти ва меҳнат фаолиятидан олиб айтилгандай. Юқорида домланинг икки фарзанди ҳақида гапирдик. Бугун у кишининг ўн икки нафар набираси ҳам жамиятимизнинг фаол аъзоси сифатида эл-юртга хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг икки нафари эса боболари изидан бориб, илм-фан сирларини чуқур эгаллашга бел боғлаганлар. Юлдуз тарих фанлари доктори, Алишер техника фанлари номзоди. Қолганлари ҳам хавас қилса арзигулик инсонлар бўлиб вояга етишаяпти.

Аслида минглаб шогирдларга таълим берган, вилоятнинг бугунгидек гуллаб-яшнашига баҳоли-қудрат ҳисса қўшган шундай инсонлар, улар босиб ўтган йўл ҳақида ҳар қанча ёзсак арзийди. Чунки ана шундай касб эгалари босиб ўтган ҳаёт йўли ёшларимизга ибрат бўлиши шубҳасиз.

ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ

# Ёш авлод камолоти йўлида

Бугун мактаб ҳамда замонавий лицейлар, касб-ҳунар коллежлари партасида ўтирган ўғил-қизлар эртамизнинг эгаларидир. Истиқлолга эришилган дастлабки кунларданоқ мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, таълим тизимини такомиллаштириш билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Буни биргина Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Юнусхон ШАРИПОВ соҳада олиб борилаётган ишлар ва изланишлар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

**Шукрулло ПАРПИЕВ, «XXI asr» мухбири**

— Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Бинобарин, уларнинг тарбияси, эртанги тақдири ҳеч биримиз учун бефарқ эмас. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури халқ маорифи соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Бу борадаги изланишлар, шубҳасиз, ўз самараларини бераяпти.

Оддий қишлоқ болалари бугун ривожланган мамлакатлардаги ўқув юртларида таҳсил олаётганининг ўзиёқ, Ўзбекистонда ёш авлод тарбияси давлат аҳамияти даражасига кўтарилганидан далолатдир. Бугунги кунда вилоятимизда 889 та умумтаълим мактаби бўлиб, шундан 775 таси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321сонли қарорига асосан давлат умуммиллий дастурига киритилган. Жумладан, 38 та янги мактаб қурилиб, 290 тасини капитал реконструкция қилиш, 362 тасини капитал, 85 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган. Мана, 2005-2006 ўқув йили якунланаяпти. Демак, дастлабки хулосаларни чикариш имконияти бор. Ўтган йили 5 та янги мактаб қурилди, 37 таси капитал ва 11 таси жорий таъмирлашдан чиқарилди. Бунинг учун 11 млрд. сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Таъмирлаш ишларида жойлардаги ташкилот раҳбарлари, фермерлар, ҳамда тадбиркорлар бизга яқиндан кўмак беришаяпти. Жумладан, Бекобод шаҳрида 10-мактаб капитал таъмирдан, 1сонли мактаб капитал реконструкциядан чиқарилди.

"Ўзметкомбинат" корхонаси бунинг учун 4,9 млрд. сўм маблағ ажратди. Ушбу корхона мактабларни мебель ва ўқув кўргазмали қуроллар билан тўлиқ таъминлашни ўз зиммасига олган. Янгийўл, Қуйичирчиқ, Зангиота, Юқоричирчиқ, Тошкент туманларида ҳам мактабларнинг моддий-техник базасини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Охирги бир йил мобайнида вилоят методика маркази, жойлардаги методика кабинетлари томонидан 235 та қўлланма, 131 та тест, 3710 та дарс ишланмалари, 310 та методик тавсиялар тайёрланди ва жойларга етказиб берилди.

Илғор педагогик технология асосида таълим бераётган 1109 нафар ўқитувчиларнинг фаолияти ўрганилиб, улар тажрибаси оммалаштирилди. Методик марказда она тили ва адабиёти, физика, математика, тарих, ҳуқуқ, химия, биология каби фанлар мактабгача ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича ўқув-методик кенгашлар фаолият олиб бормоқда. Барча шаҳар ва туманларда узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш жамоатчилик марказлари ташкил этилган. Таълим сифати ҳамда самарадорлигини оширишда уларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Ўқитувчи- ҳаёт боғбони. Бинобарин, у ҳар қанча ҳурмат ва эътиборга лойиқдир. Шу маънода мамлакатимиз Президентининг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори барча қатори вилоятимиз маорифчилари томонидан ҳам баланд руҳ билан кутиб олинди. Яқин вақтларгача тизимда маошлар миқдори кам, ўқитувчи меҳнатини рағбатлантиришга оид тариф ставкалари даражаси паст эди. Устама ҳақ белгилашнинг аниқ механизми йўқлиги боис, истеъдодли ўқитувчилар ҳам ўртамиёна ҳамкасби билан бир хил маош олишга мажбур эди. Ҳозирда ундай эмас. Жойларда қарор ижросини таъминлаш юзасидан изчил иш олиб бораяпмиз.

Вилоят худудидаги умумтаълим мактабларида 34066 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамасининг 275 сонли қарори асосида касбий маҳорати ва синфдан ташқари олиб борган ишлари учун 2006 йил 1 май ҳолатига 19873 нафар ўқитувчига устама ҳақ белгиланган бўлиб, улар жами педагог ходимлар сонининг 44,8 фоизини ташкил қилади. Юқоридаги қарорга асосан ўқитувчиларга бир марталик мукофот пули бериш ва фавқулодда ҳолларда моддий ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозиргача таълим муассасалари ходимлари 422010 минг сўмлик мукофот билан тақдирланди, уларга 114940 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қолаверса, юксак касб маҳоратини намоён этиб, таълим-тарбия жараёнига сидқидилдан ёндашадиган иқтидорли педагоглар, директорлар ва уларнинг ўринбосарлари меҳнати ҳам муносиб баҳоланмоқда. Шунингдек, умумтаълим муассасаларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини "Директор жамғармаси" маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш ҳам кўзда тутилаётир. Буларнинг ҳаммаси касбга бўлган масъулиятни оширибгина қолмай, педагогика жамоалари ўртасида соғлом рақобатни юзага келтиришда алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Меҳр — профессионализм асосидир. Боз устига, мутахассисда пухта билим, етарли кўникма, муайян тажриба бўлса, нур устига нур. Демоқчимизки, бугунги таълим жараёнини замонавий педагогик технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мактаб ўқувчиларининг 60 фоизи бевосита қишлоқ жойларида яшашади. Улар учун худди шаҳардагидек шарт-шароит яратиш, таълим тизимини компьютерлаштириш, соҳага замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш диққат марказида турган масалалардан биридир. Ҳозирги кунда умумтаълим муассасаларининг 198 таси компьютер синфлари билан таъминланган. 2010 йилга бориб бу кўрсаткични 436 тага етказиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилаяпти. Бу, албатта, бежиз эмас. Зеро, фарзандлари соғлом юртнинг истиқболи порлоқдир. Айни пайтда вилоятимизда 33 та спорт мактаби бўлиб, уларда 20575 нафар ёшлар ўз маҳоратларини оширишмоқда. Шундан 3579 нафари қизлар, 6222 нафари ўсмир болалар. Жисмоний тарбия ва спорт кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганлиги қувончли ҳол, албатта. Асосий мақсадимиз, жойларда спортнинг оммавийлигини таъминлашга тўла эришишдир. Кейинги йилларда туман ва шаҳарда қўшимча 4 та спорт иншоотлари барпо этилганлиги, улардан иккитаси қайта реконструкция қилинганлиги ва зарур жиҳозлар билан таъминланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, албатта.

2006 йил 4-9 май кунлари Қарши шаҳрида ўтказилган "Умид ниҳоллари-2006" спорт мусобақаларининг 4-республика босқичида 174 нафар вакилларимиз иштирок этиб, яхши натижаларга эришдилар.

Стол тенниси бўйича вилоят терма жамоаси республикада 1-ўринни эгаллади. Мусобақа якунига кўра, бир вакилимиз волейбол бўйича "Энг яхши ҳужумчи" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Беллашувлар давомида ёш спортчиларимиз 6 та олтин, 1 та кумуш, 6 та бронза медали билан тақдирландилар.

Бир сўз билан айтганда, таълим соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Давр шуни тақозо этаяпти.

Тўғри, фаолиятимизда айрим камчиликлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф этиш учун жойларда қатъият ва изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Хусусан, таълим-тарбия соҳасига кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик биз, маориф ходимларидан алоҳида масъулият талаб этади. Ана шу юксак ишончга муносиб бўлиш, келажак авлод манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш биринчи галдаги бурчимиздир.

ҚОНУН ВА ЁШЛАР

"Биз ҳеч нимани қонунни билганимиздек ёмон билмаймиз", - деган эди машҳур француз ёзувчиси О.Бальзак. Андак киноя билан айтилган бу гаплар замирида тўла ҳақиқат бор. Қонунларни яхши билган одам, албатта, уларга риоя этишга интилади ва ҳеч қачон бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузмайди. Ушбу мавзуда сўз юритишимизнинг боиси бор, албатта. Ҳар қандай мамлакат ўз тараққиёти давомида қонун устуворлигига сўзсиз таяниши маълум ҳақиқат. Хусусан, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ана шу устуворликка тўла эришиш талаб этилади.

# Фарзандлар келажаги учун масъулмиз

**Шуҳрат Раҳимов, «XXI asr» мухбири**

Қонунга, тартиб-интизомга бўйсуниш кўникмасини болаликдан шакллантирмоқ лозим. Ушандагина фарзандларимизни — келажагимизни бус-бутун асраб қолган бўламиз. Ҳа, вояга етмаганлар тарбияси айни кунда долзарб бўлиб турибди. Хусусан, аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этадиган республикамизда бу масала янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

2005 йилда Мирзо Улуғбек тумани бўйича 76 та жиноят содир этилган. Гарчанд 2004 йилга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар 6 тага камайган бўлса-да, хотиржам бўлишга асло ҳаққимиз йўқ. Жиноятлар ичида энг кўп учрайдигани безорилик (12 та) ва ўғрилик (37 та)дир.

Психологлар фикрича, ўғрилик жиноятчиликнинг яширин тури саналиб, у ўз ортидан бошқа кўплаб нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Энг ачинарлиси ҳам шунда. Ўғрилик нафақат жабрланган киши, балки жиноят содир этган шахснинг ҳам ҳаётини издан чиқариб юбориши мумкин.

2005 йил 14 ноябрь. Эндигина 16 ёшга кирган А.Бойко таниши Ю.Богданов билан жиноий тил бириктириб, тунги соат 1.00 да фуқаро К.Жўраевнинг уйига киришади ва 275.000 сўмлик 3 та велосипед ва 35 минг сўм миқдоридаги қулфларни ўғирлашади.

Кўп ўтмай уларнинг иккиси ҳам қўлга олинди, сўнгги пушаймон ўзингга душман, дейдилар. Туман судининг 19 декабрдаги ажримига кўра, А.Бойкога нисбатан Амнистия ҳақидаги Фармоннинг 5-моддаси қўлланилиб, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Одил суд республикамизда амалдаги қонунчилик асосида А.Бойкога яна бир имконият берди. Энди у жиноят кўчасига қайтиб кирмаслик учун ўзида куч ва ирода топа олармикан? Ҳамма гап ана шунда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2005 йилда жиноий хатти-ҳаракатларнинг 19 таси мактаб, 8 таси касб-ҳунар коллежи ва бошқа муассасаларнинг ўқувчилари томонидан содир этилган. Умуман, 30 та қонунбузарлик ҳолати оқибатида қанчадан-қанча одамларга моддий, маънавий ва жисмоний зарар етказилганлигини бир тасаввур қилиб кўринга!

Ҳеч қаерда ишламайдиган, ўқимайдиган, бирор фойдали машғулот билан шуғулланмайдиган шахс психологиясида бора-бора салбий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлайди. Бу ҳол тўқликка шўхлик тарзида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бинобарин, шахс онгида болаликданоқ энг яхши фазилатларни сингдиришга ҳаракат қилмоқ лозим. Бироқ ҳамма ота-она ҳам бунга амал қилаяптими?

Жиноятлар таҳлилига қараганда, уларнинг 12 таси бошқа туманларда яшовчи ёшлар, 14 таси эса вилоятлардан келган ўсмирлар томонидан содир этилган. Қонунбузарларнинг аксарияти қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўсмирлардир. Нахотки, ота-оналар ўз фарзандига, унинг келажагига нисбатан шунчалар бефарқ бўлишса? Ота-оналик бурчи фақат едириб-ичиришдангина иборат эмас-ку, ахир!

Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида оила, жамоатчилик, маҳалла, уни қуршаб турган муҳитнинг таъсири катта.

Туманда жами 37 та маҳалла бўлиб, 2005 йилда 76 та жиноятнинг 30 таси Й.Охунбобоев (11та) ва Абай (19 та) маҳаллаларида содир этилгани ҳам ҳар қандай кишини ташвишга солмасликнинг иложи йўқ.

Тўғри, 19 та жиноий иш бўйича 27 нафар вояга етмаган шахсга нисбатан Республика Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистия тўғрисидаги Фармон қўлланилди, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг тақдирига нисбатан адолатли иш тутилди. Бу катта олижанобликдир.

Унутмайлик: фарзандларимиз келажаги учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Келажак — ёшларники. Бас, шундай экан, уларни комил инсонлар қилиб вояга етказиш, жиноятчилик йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини унутмайлик.

**ЁВУЗЛИК** *хамиша шафқатсизлик ва заифликдан келиб чиқади*

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ИРОҚ

## Демократия ортидаги зўравонлик

### ЁКИ АҚШНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ХАВФ СОЛАЁТГАН АСОСИЙ ДАВЛАТ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Гарчи Америка Қўшма Штатлари президенти Жорж Буш хорижий давлатлар раҳбарлари билан ўтказаётган қатор учрашувларида Ироқда тинчлик ва барқарорлик томон қадам ташлангани, демократик қадриятлар қарор топаётгани ҳақида кўп гапираётган бўлса-да, айни пайтда рўй бераётган террорчилик ҳаракатлари бу жафокаш мамлакатда ҳали-бери тинчлик ўрнатилмаслигидан далолат бермоқда.

**Шерзод АРАПОВ**



Бундан ташқари, Америка ҳарбийлари содир этаётган зўравонликлар, аёллар ва болаларни отиб ташлашгача борилаётгани Вашингтонга нисбатан нафақат Ироқда, балки дунёнинг аксарият ҳудудларида жамоатчилик нафратининг кучайишига олиб келаётгани аччиқ бўлса-да, очиқ ҳақиқатдир. Жаноби Бушнинг Британия бош вазири Тони Блэр билан олиб борган музокараси чоғида Абу Ғрайб қамоқхонаси маҳбусларининг таҳқирлангани Қўшма Штатларнинг Ироқдаги энг йирик хатоси бўлганини, ҳарбий кампания даврида тилга олинган айрим кескин баёнотлардан эса таассуфда эканлигини, лекин шунга қарамай, АҚШ террорчилар устидан барибир ғалаба қозонишини қистириб ўтганлигини бир эсга олайлик. Афсуслар бўлсинки, икки етакчи давлат раҳбарларининг 25 майдаги учрашувидан кўп ўтмай, Америка ҳарбийлари илгарироқ содир этган, бироқ жаҳон жамоатчилигидан сир тутилган мудҳиш жиноятлар ошкор бўлиб қолди. Айниқса, Қўшма Штатлар денгиз пиёдачиларининг Хадита шаҳрида 20 нафардан зиёд тинч фуқарони отиб ташлагани, улар орасида аёллар ва болалар кўпчиликни ташкил этгани кенг миқёсдаги жанжалларга сабаб бўлиши аниққа ўхшаб қолди. Келинг, шу ўринда бироз ўтмишга қайтиб, АҚШдаги фуқаролар уруши пайтида генерал Уильям Шерман жанубликасирларни мина далалари орқали ҳайдаб ўтиб, ўз аскарлари учун йўллар тозалаганини бир эсга олайлик. Гарчи бундай оғир асоратлар қолдирган қора жиноятлар кўпчилик ёдидан чиққан бўлса-да, кузатувчиларнинг фикрича, америкалик ҳарбийлар ўз ўтмишларидан хулоса чиқармаган кўринадилар. Акс ҳолда АҚШ ҳарбий қўмондонлиги ўз аскарларининг жиноятларини яширишга, иложи бўлса, тинч фуқароларни террорчига чиқариб қўйишга уринмаган бўлардилар. Масалан, ироқликларнинг гувоҳлик беришларига қарамай, Америка ҳарбий терговчилари яна бир жиноят — Бағдод шимолидаги Исҳоқий қишлоғида тинч фуқароларни ноҳақ ўлдирган аскарлардан айбловларни олиб ташладилар. Гўёки тергов аскарлар раҳбарият кўрсатмаси бўйича иш тутганлар, деган хулосага келди. Аслида эса разведка маълумотларига кўра, гўёки ана шу қишлоқдаги уйларнинг бирида "Ал Қоида"га мансуб террорчи яширинган. Ўқлар ёмғири остида қолган аскарлар рация орқали тўп ва ҳатто 105 миллиметрли гаубица билан жиҳозланган АС-130 "Спектор" самолётини чақиришган. Улкан самолёт бир лаҳзанинг ўзида уйни вайрон қилган. Афсуски, вайроналар остидан террорчилар эмас, балки бегуноҳ одамларнинг жасади топилган. Энг ачинарли томони, бу жанжаллар Хадитадаги қирғинбаротлар олдида ҳеч нарса бўлмай қолди.Бу воқеа ўтган йилнинг 19 ноябрида рўй берганди. Ўзиюрар "Хамви" машинаси минага дуч келиши туфайли 20 яшар аскар қоқ иккига бўлиниб кетади. Ўшанда террорчиларни тополмаган ҳарбийлар ён-атрофдаги икки хонадонга кириб, 24 нафар маҳаллий фуқарони, шу жумладан, аёллар ва болаларни отиб ташлашади. Бир ўйлаб кўрайлик: бу воқеалар силсиласи 1968 йилги Вьетнам урушини ёдга солмаяптими? Ўшанда америкаликлар Вьетнамнинг Сонгми қишлоғида юзлаб бегуноҳ кишиларнинг бошига етганди. Буни қарангки, рўй берган воқеалардан кейин ҳам денгиз пиёда кучлари қўмондони генерал Майкл Хэйжи ва Пентагон раҳбари Дональд Рамсфелд ҳарбий хизматчиларнинг 99,9 фоизи Ироқда ўзини намунали тутганини таъкидлашди. Ваҳоланки, Ироқ атрофидаги тўполонлар халқаро коалициянинг мазкур давлатдаги кампанияси барбод бўлмоқда, деган гап-сўзларнинг кўпайишига олиб келди. Таҳлилчиларнинг бундай хулоса чиқаришларига асослар етарли, албатта. Чунки коалиция аъзоларининг аксарияти мана шундай жанжаллар мамлакат ичкарисидаги норозиликларга сабаб бўлаётгани боис, қўшинларини олиб чиқишга мажбур бўлмоқдалар. Италиянинг янги сайланган бош вазири Романо Проди куни-кеча шундай қарорга келганини эълон қилгани ҳам бунга далил бўлиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, Америка ҳарбий қўмондонлиги Хадита, Исҳоқий ва тафсилоти ошкор бўлмаган яна бир Хамандиядаги жиноятни ҳам яширишга уринишгани тобора ойдинлашиб бормоқда. Биргина Би-Би-Си намойиш этган видеолавҳа терговнинг яна чўзилишига олиб келди. Айни жиноятлар Америкага мойил Ироқ ҳукуматини ҳам бефарқ қолдирмади. Бош вазир Нур Маликийнинг: "Улар бизнинг фуқароларимизни умуман ҳурмат қилишмаяпти. Шахсий машиналар босиб, янчиб кетилмоқда, Америка ҳарбийларининг гумони остида бегуноҳ фуқаролар ўлдирилмоқда" деган баёноти ҳар қандай сабр ва бардошнинг ҳам чек-чегараси борлигига ишорадир.

Бундай ҳодисаларнинг бари эса дунёдаги инсон ҳуқуқлари муаммоси билан шуғулланувчи етакчи ташкилотлардан бири **Human Rights Watchнинг** 2005 йил якунлари бўйича тайёрлаган маърузаси нақадар ҳаётийлигини яна бир карра исботлади. Маърузанинг асосий мазмун-моҳияти шундан иборатки, доимо демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида кўкракка ураётган АҚШ ва Ғарбдаги айрим давлатлар мазкур ҳуқуқларга таҳдид солаётган асосий давлатлар сифатида эътироф этила бошланди. Маърузанинг биринчи жумласидаёқ, АҚШ кескин сиёсий танқид остига олинганининг ўзиёқ реал вазиятга баҳо бериши мумкин!

"2005 йилдаги янги далиллар шуни кўрсатмоқдаки, қийноқ ва шафқатсиз муомала Буш маъмуриятининг террорчиликка қарши курашдаги обдан ўйланган стратегиясининг бир қисмидир", **HRW** ижрочи директорининг эътирофи ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Кеннет Ротнинг сўзларига қараганда, маҳбусларга нисбатан шафқатсиз муносабат Америка армиясида ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ёки интизоми билан боғлиқ муаммо мавжудлигини эмас, балки айрим доираларнинг бу йўлни онгли равишда танлаб олганлигига ёрқин далилдир. Кузатувчиларнинг фикрича, Оқ уй маъмурияти маҳбуслар билан ғайриинсоний муомалада бўлишни қонунлаштиришга уринган дунёдаги ягона давлатдир. Чунки яқинда президент Жорж Буш маҳбусларнинг шаънини оёқости қилувчи, ноинсоний, қаттиққўл муносабатда бўлишни тақиқловчи қонун лойиҳасига вето қўйиш таҳдиди билан чиққан бўлса, вице-президент Дик Чейни Марказий разведка бошқармасининг қийноқларни қўлланишига тақиқ қўймасликни талаб қилди. Гарчи Қўшма Штатлар қийноқлар қўлланилаётгани хусусидаги айбловларни рад этаётган бўлса-да, "қийноқ" сўзининг ўзига аниқ бир таъриф бермаяпти, аксинча МРБ собиқ директори Портер Госс диктаторлик бошқарувлари даврида Лотин Америкасининг турма ходимлари амалда қўлланган маълумот олиш услубини "сўроққа тутишнинг профессионал техникаси" деб атади. Маълумки, бу усул "сувости кемаси" номи билан машҳур бўлган. Турма ходимлари кўрсатма ололмагунларича, гумондорнинг бошига муттасил равишда сув қуйиб туришган. Дунёнинг етакчи мамлакати ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажармаётганлиги сабабли ҳам Гуантанамо маҳбусларини ҳеч қандай судсиз , юридик ёрдамсиз сақлаб турибди. 2002 йилдан буён **HRW** мазкур базадаги маҳбуслар ҳуқуқи бузилишига оид юзлаб ҳолатларни аниқлади. Узоққа бормайлик. Орол базасидаги қамоқхонада 60 нафар балоғат ёшига етмаган ўсмирларнинг сақланиб туриши жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Афтидан, яқин вақтларда махфий равишда қийноқ қўлланилган рўйхат Американинг бошқа мамлакатлардаги қамоқхоналари ҳисобига кенгайиши ҳам ҳеч гап эмас. Масалан, Европа Иттифоқи қитъа мамлакатлари ҳудудида МРБнинг махфий турмалари мавжудлиги хусусидаги хабарлар муносабати билан терговни авж олдириб юборган. Тергов комиссиясига етакчилик қилаётган швейцариялик сенатор Дик Марти шундай қамоқхоналар мавжуд бўлганлиги тўғрисида ўзининг шахсий фикрини билдирди. АҚШ шаънига битилиши кутилаётган яна бир айблов террорчиликда гумон қилинган шахсни учинчи мамлакатларга юридик меъёрларга риоя қилинмаган ҳолатда жўнатишни кўзда тутувчи "фавқулодда топшириш" жараёнига тааллуқлидир. Ушбу қоидага кўра, гумондорларни қийноқлар қўлланиладиган мамлакатларга жўнатишади. Бу ўринда Оқ уй маъмурияти маҳбусларга инсонларча муомалада бўлишни назарда тутувчи дипломатик кафолатларни рўкач қилади. Аммо кафолатларга риоя қилиниши хусусида ҳеч қандай далиллар йўқ. АҚШнинг террорчиликка қарши эълон қилинган урушдаги асосий иттифоқчиси — Буюк Британия ҳам ана шундай ишларга қўл ура бошлади. Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари ва демократия тамойилларига риоя этишни бошқа мамлакатлардан талаб қилаётган Америка ва Британия маъмурларининг хатти-ҳаракатлари "Домланинг айтганини қилу, қилганини қилма" нақлини эслатади. Шунинг учун ҳам кузатувчилар террорчилар зарбасининг олдини олиш учун Вашингтоннинг шармандали сиёсати кескин ўзгариши ва қайта кўриб чиқилиши зарур", деган хулосага келишган.

ХОЛИС ФИКР

РОССИЯ-ГРУЗИЯ

## Муносабатлар яхшиланади... ми?

Ўтган ҳафта сўнгида Москва ва Тбилиси ўртасидаги муносабатлар кескин ёмонлашиб, Россия Грузия таркибидаги мустақиллиги тан олинмаган республикалар даъвосини қўллаб-қувватлашга тайёрлигига ишора қилгани Грузия расмийларининг Москвага нисбатан мавқеи юмшашишига олиб келди.

Зиддиятнинг янада чуқурлашуви грузин давлатчилигига катта хатар солишини англаган президент Михаил Саакашвили Владимир Путинга қўнғироқ қилиб, учрашув ўтказишни келишиб олди. У Миллий Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишини чақириб, яқин кунларда Россия президенти билан учрашиш нияти борлигини эълон қилди. "Коммерсантъ" газетасининг ёзишича, музокараларнинг 13 июнь куни Санкт-Петербургда ўтказилиши кутилмоқда. Грузия Миллий Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида парламент раиси, бош вазир, хавфсизлик, мудофаа ва ички ишлар вазирларининг барчаси қатнашган. Унда Саакашвили Москвага нисбатан ярашув оҳангидаги баёнот билан чиқди. "Грузия ва Россия муносабатларида кўплаб ўткир муаммолар йиғилиб қолган. Шунга қарамай, биз Россияга дўстлик қўлини чўзишга тайёрмиз. Кенг миқёсли олий даражадаги самарали мулоқотнинг бошланиши икки мамлакат манфаатларига хизмат қилади ва мен учрашувимиз амалий натижалар бериши учун қўлимдан келган барча ишни қилишга тайёрман". Куни-кеча Россия шаънига танқид ёмғирларини ёғдираётган расмийлар бўлғуси учрашув тўғрисидаги келишувни юқори баҳолаганлар. Парламент спикери Нино Буржанадзе Россия қўшни, кичик мамлакатга унинг ҳудудий яхлитлигини тиклаш ва муаммоларини тинч йўллар билан ҳал этиш масаласида ноёб имкониятга эгалигини таъкидлади. Грузия давлат маҳкамасининг хабар беришича, Жанубий Осетия ва Абхазиядаги можароларни барқарорлаштириш, Россияга грузин маҳсулотлари киришига қўйилган тақиқ масалалари музокараларнинг асосий мавзуи бўлади.

МУЗОКАРА

ТАФСИЛОТЛАР

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР,

УКРАИНА

Украина президенти Виктор Юшченко Қримда кўп миллатли ҳарбий машқлар ўтказилишига яшил чироқ ёқиб берувчи фармонга имзо чекди. Бу билан давлат раҳбари Қрим ҳокимиятининг «Sea Breeze-2006» ва "Тор узел-2006" машқларига тайёргарликни тўхтатиш чақириғини рад этди.



## Қрим НАТОга қарши

Мухторият раҳбарларининг фикрича, хорижий ҳарбийлар иштирокидаги ҳар қандай манёврлар яриморолдаги вазиятнинг кескинлашувига олиб келади. Шундоқ ҳам бир ҳафтадан бери НАТОга қарши норозиликлар тўхтамаяпти. Европа ва Қора денгиз минтақасидаги 17 мамлакат иштирок этадиган Украина — Америка тактик машқлари шу йилнинг июль-август ойларида олтинчи маротаба ўтказилади. Бироқ Украинанинг НАТОга аъзо бўлиши масаласи кун тартибига чиққани боис, яриморолда бу сафар норозилик тўлқини тинмаяпти. Аслида 27 май куни Феодосия портига АҚШ ҳарбий денгиз кучларига қарашли Advantage кемасининг кириб келиши намойишларнинг бошланишига сабаб бўлди. Расмий маълумотларга кўра, кемада Эскирим полигонининг ҳарбий машқ базасини такомиллаштиришга мўлжалланган техника ва қурилиш материаллари мавжуд бўлган. Бироқ Крим аҳолиси қандайдир сабабларга кўра, америкаликлар яриморолга НАТО ҳарбий базасини қуриш учун қурол-яроғ, техника ва қурилиш материаллари олиб келган, деб ҳисобламоқда. Юзага келган мураккаб вазият мухтор республика Олий Кенгаши раёсатини Қора денгизда машқлар ўтказишига қарши баёнот билан чиқишга мажбур этди. Лекин расмий Киев ўз қарорида қатъий турибди. Аксинча, марказ Крим расмийларини норозиликнинг олдини ололмаганликда айблади, деб хабар беради "Новости" РИА.

ЭРОН

Эроннинг олий диний раҳбари Оятуллоҳ Али Ҳоманаий Эронга нисбатан ҳар қандай нотўғри ҳаракат минтақадан чиқадиган энергия захираларига таъсир этишини айтиб, Америка Қўшма Штатларини огоҳлантирди.



## Теҳрон зиддиятларни истамайди

Оятуллоҳ телевизион чиқишида АҚШнинг Эронга яқин бўлган Форс кўрфазидан ўтувчи нефть ташувчи барча кемаларининг хавфсизлигини таъминлай олмаслигини айтди.

У ўз сўзида Эроннинг ядровий бомба ясашга интилаётгани ҳақидаги айбловларга ҳам тўхталди.

"Бизга ядро бомбаси керак эмас. Уни ишга солиш мақсади ёки иштиёқи йўқ. Биз ядро куролидан фойдаланишни Ислом аҳкомларига зид деб биламиз". Эрон уруш ташаббуси билан чиқмайди ва зиддиятларни истамайди.

"Америкаликлар қонни қайнатувчи тарғиботлари билан олам аҳлининг қарашларига таъсир этишни истайдилар. Аммо улар бунинг уддасидан чиқа олганлари йўқ ва келажакда ҳам бунга қўл уролмайдилар", — деди Эроннинг олий диний раҳбари.

**СОҒ танда СОҒ ақл бўлишига интилиш зарур**

ФУТБОЛ

# Германияда футбол байрами

## 9 ИЮНЬ КУНИ МАЗКУР МАМЛАКАТДА РОППА-РОСА БИР ОЙ ДАВОМ ЭТАДИГАН МУСОБАҚА — XVIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Ниҳоят, миллионлаб футбол мухлислари интиқлик билан кутаётган кунлар ҳам етиб келди. Эртага кечқурун Бавария ерининг маъмурий маркази — Мюнхен шаҳрида ушбу чемпионатнинг очилиш маросими, ундан сўнг эса гуруҳ баҳсларининг дастлабки учрашуви бўлиб ўтади.

■ **Шухрат ХЎЖАЕВ**

Эътиборли томони шундаки, мусобақаларни очиб берадиган биринчи ўйин кўп йиллик анъанага хос тарзда, яъни амалдаги чемпион (2002 йилги жаҳон чемпионатида бразилияликлар ғолиб бўлган эдилар) иштирокида эмас, балки мезбон — Германия ҳамда Коста-Рика терма жамоалари ўртасида ўтказилади. Шу ўринда янги қоидаларга мувофиқ Бразилия терма жамоаси чемпион бўлишига қарамай, саралаш босқичини босиб ўтганини таъкидлаш жоиз. Германия майдонларида Украина, Того, Гана, Кот-Д'Ивуар ҳамда Тринидад ва Тобаго терма жамоалари футболчилари тарихда илк маротаба жаҳон чемпионатининг финал қисмида қатнашиш бахтига муяссар бўлмоқдалар. Қизиғи шундаки, тахминларга кўра, дебютантлардан бири бўлган Украина чемпионлик учун курашадиган жамоалар қаторидан жой олади. Даъвогарлар қаторига ҳар доимгидек 1958, 1962, 1970, 1994 ва 2002 йилларда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган пентакампионлар, яъни Бразилия терма жамоаси, шунингдек, уч карра (1954, 1974 ва 1990 йиллар) чемпион Германия, икки карра чемпионлар — Италия (1934 ва 1938 йиллар) ва Аргентина (1978 ва 1986 йиллар), 1966 йилда ўз уйида ғолибликни қўлга киритган Англия терма жамоаси, шунингдек, бир неча маротаба омадсизлик туфайлигина совриндор бўла олмаган Голландия термаси бор. Эслатиб ўтиш жоиз: жаҳоннинг энг кучли жамоаси номига 1998 йилда Франция, 1930 ва 1950 йилларда эса бу йилги чемпионатнинг саралаш босқичидан ўта олмаган Уругвай термаси сазовор бўлган. 9 июлда ўтказиладиган финал баҳсидан сўнг юқорида санаб ўтилган 7 та чемпион-жамоаларнинг сафи кенгайдими ёхуд бирон-бир терма қўлга киритган нуфузли совринлар сонини яна биттага кўпайтирадими — буни вақт кўрсатади.

Германиянинг Мюнхен, Берлин, Лейпциг, Кёльн, Франкфурт-Майн, Дортмунд, Гельзеркихен, Гамбург, Ганновер, Кайзерслаутерн, Нюрнберг, Штутгарт каби 12 та шаҳри стадионларида ўтказиладиган мусобақаларда жаҳоннинг 32 терма жамоаси футболчилари тўп суради. 1998 йилга қадар чемпионатнинг финал қисмида қатнашган жамоалар сони 24 тани ташкил этганини, 1982 йилгача эса 16 тадан ошмаганини иноватга оладиган бўлсак, соғлом турмуш тарзи тарафдорларининг миллионлар ўйинига бўлган қизиқишлари тобора ошаётганини англаш қийин эмас.

Табиийки, Германияга йўл олган терма жамоаларнинг асосини дунёга донғи кетган "юлдуз"лар ташкил этади. Булар қаторига бразилиялик Роналдиньо, германиялик Баллак, украиналик Шевченко, англиялик Лэмпард, аргентиналик Карлос Тевес ҳамда Италия терма жамоаси аъзолари Буффон ва дель Пьерони киритиш мумкин. Қолаверса, мазкур чемпионатда илгариги мусобақаларда бўлгани каби кутилмаган натижалар қайд этилиши ҳамда янгидан-янги истеъдодлар кашф қилиниши турган гап. Бу эса баҳсларнинг янада қизиқроқ бўлишини таъминлайди. Хулоса қилиб айтганда, футбол ишқибозлари бир ой давомида кўвонч ва ўзига хос ташвишларга бой ажойиб футбол шоуларининг гувоҳи бўладилар. Дарвоқе, газетамизнинг кейинги сонларида ана шу мусобақа ўйинларини имкони борича кенгроқ ёритиш ниятидамиз.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

**12-18 июнь.**

**ҚЎЙ.** Мазкур ҳафтада ҳамкасбларингиз ҳам, оила аъзоларингиз ҳам сиздан кўпроқ нарса кутадилар. Талаб ва истакларни бажарар экансиз, бирмунча қийин кечадиган ана шу жараён давомида тажриба орттиришга, интеллектуал салоҳиятингизни оширишга эришасиз.

**БУЗОҚ.** Ўзингизга тегишли маблағлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинг. Ой ўртасида, яъни 15-18 июнь кунлари узайиб кетган иш вақтининг салбий таъсири оқибатида шахсий ҳаётингиз ва соғлиғингизга боғлиқ муаммоларга дуч келишингиз мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР.** 16-санага қадар бефойда ишларга қўл уриб, бошингизга ортиқча ғавғо орттириб олмасангиз бўлди — у ёғига омад сизнинг тарафингизда. Шахсий бизнесдаги кескин ўзгаришлар оқибатида ўзингизни йўқотиб қўйманг. Аксинча, рақобатчи корхоналарни кузатиб, уларга нисбатан керакли чоралар кўриш пайида бўлинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Ҳафта давомида ўзингизни панароқда олиб юриб, катта масъулият талаб этадиган ишларга аралашмасликка ҳаракат қилинг. Иложи бўлса, иккиуч кун уйда дам олиб, соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилган ҳолда ниҳоятда самарали келиши кутилаётган янги ҳафта учун куч-қувват тўпланг.

**АРСЛОН.** Энг оғир сайёралар – Марс ва Сатурннинг Арслон буржида қўшилиши сўнгги ўн йилда илк маротаба қайд этилади. Шу боис мазкур бурж вакилларининг касбий фаолиятлари ва шахсий ҳаётларида кескин салбий ёхуд ижобий ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда. Шундай экан, ҳафта давомида ниҳоятда сезгир бўлишга ҳаракат қилинг.

**ПАРИЗОД.** Ҳафта давомида муҳим чора-тадбирлар бўйича хулосалар чиқариб, янги лойиҳалар бўйича тушган таклифларни рад этишга мажбур бўласиз. Касбий ва оилавий ҳаётда йиғилиб қолган қарзларингизни узиб, ўзингизни анча енгил ҳис қила бошлайсиз.

**ТАРОЗИ.** Мазкур ҳафтада мақсадларингизнинг аксариятига эришиш учун уларнинг бир-иккитасидан (масалан, табиат қўйнида дам олишдан) воз кечишга мажбур бўласиз. Мушкул аҳволда қолган дўстларингизни ёлғизлатиб қўйманг. Шанба ва якшанба кунлари муваффақиятли харидларни амалга оширасиз.

**ЧАЁН.** Ҳафтани асосан йўлингиздан чиққан тўсиқларни бартараф этиш билан ўтказасиз. Катта масъулият талаб этадиган ишга қўл урганингиз сабабли доимий хавотир сизни деярли тарк этмайди. Шунга қарамай, вақт ўтиб, тушкун кайфият исканжасидан чиқиб кетасиз.

**ЎҚОТАР.** Бегим кунлари ҳар хил низо ва жанжалларга йўлиқишингиз кутилмоқда. Жумладан, ижод билан шуғулланувчи бурж вакиллари асоссиз танқидга учрашлари мумкин. Дам олиш кунларини кўнгилдагидек ўтказасиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Атрофингизни ўраб олган қийинчиликларни тез орада бартараф этиб, шахсий ҳаёт ва касбий фаолиятингизда кўзга кўринарли ютуқларга эришасиз. Қизиққан соҳангиз бўйича ўзингиз учун янгилик кашф этасиз. Чоршанба муродбахш кун эканини ёдингиздан чиқармасангиз бўлди.

**ҚОВҒА.** Иложи бўлса 15-санага қадар катта ва қимматбаҳо харидларни амалга оширманг. Бирон-бир ишни бошлашдан аввал яқинларингиз билан маслаҳатлашинг. Муҳим учрашувларни жума ва шанба кунларга белгилаганингиз маъқул.

**БАЛИҚ.** Ҳафтанинг биринчи ярмида ишингизнинг юришиши атрофингиздаги воқеа-ҳодисаларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолади. Шанба ва якшанба кунларини оилангиз ёки ҳамкасбларингиз даврасида ўтказиб, кайфиятингизни кўтаришга эришасиз.

ОБ-ҲАВО

8-15 июнь кунлари республикамизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларида нисбатан иссиқ, Фарғона водийси, Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг тоғолди туманларида бирмунча салқин об-ҳаво кузатилади. Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида, Қарақалпоғистонда, шунингдек, жанубий воҳаларда ҳаво очиқ бўлиб, ҳарорат кечаси +20+22, кундузи +36+38, айрим жойларда +41 даражагача кўтарилиши кутилмоқда.

Фарғона водийсида ҳаво ўзгариб туради. Жума ва шанбада, шунингдек, кейинги ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечалари +17+21, кундузи +34+37 атрофида сақланиб туради. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг айрим ҳудудларида жума, шанба ва кейинги ҳафтанинг дастлабки кунларида ёғингарчилик бўлиши кутилади. Ҳаво ҳарорати ёмғир ёққан ҳудудларда кечаси +14+16, кундузи +26+28 даражагача тушиб кетиши мумкин.

Тошкентда дам олиш кунлари ҳаво булутланиб турсада, қолган кунлари очиқ бўлади. Ҳаво ҳарорати кечаси +20+22, кундузи +32+37 даражани ташкил қилади.

СПАРТАКИАДА

ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ

# Қаршида аёллар баҳслашади

Шу кунларда ўзининг 2700 йиллигини нишонлаётган кўҳна ва навқирон Қарши шаҳри Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ўтказиладиган яна бир нуфузли мусобақага мезбонлик қилади.

■ **Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири**

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан 10-12 июнь кунлари Қашқадарёда II Аёллар спартакиадаси бўлиб ўтади. Икки кун мобайнида мусобақа иштирокчилари спортнинг волейбол, стиритбол, шахмат, шашка, сузиш, арқон тортиш ва енгил атлетиканинг бир қатор турлари бўйича беллашадилар. Спартакиадада республикамиз шаҳар ва вилоятларидан келадиган 400 нафардан ортиқ хотин-қизларнинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Бугун вилоят маркази мусобақа иштирокчиларини кутиб олишга тайёр. Жумладан, мусобақалар бўлиб ўтадиган Қарши давлат университетининг академик лицейи, "Насаф" стадиони, Қарши банк коллежи спорт заллари, Марказий стадионнинг сузиш ҳавзаси, Қарши ахборот технологиялари коллежи, Олимпия захиралари коллежининг спорт иншоотлари шай ҳолатга келтирилди.

— Вилоятимизда аёлларни спортга кенгроқ жалб этиш орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар яхши самара бермоқда, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими раҳбари Гулбаҳор Тўраева. — Кўрсатилаётган ғамхўрликнинг натижаси ўлароқ, вилоятимизда спорт билан шуғулланувчи хотин-қизлар сони ортиб, уларнинг мамлакат ва халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари кўпайиб бормоқда. Партиямиз хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш учун кўплаб тадбирлар ташкил этиб келаётир. Масалан, партиямиз фаоли, сенатор Алишер Султоновнинг ташаббуси билан "Шўртангазкимё" мажмуаси ҳомийлигида фаолият юритаётган "Севинч" аёллар футбол жамоаси, мана икки йилдирки, республика чемпионлигини қўлдан бермаяпти. Бир қатор спорт мажмуалари капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Ўйлайманки, бу йирик спорт мусобақаси вилоят хотин-қизлари учун унутилмас воқеа бўлиб қолади.

ЛАТИФАЛАР

*— Менга йўталингиз ёқмаяпти.*

*— Кечирасиз, доктор, лекин мен бундан яхшироқ йўтала олмайман.*

***

*Профессор толибдан сўраяпти:*

*— XVIII аср инглиз ёзувчилари ҳақида нималар биласиз?*

*— Улар ҳаммаси вафот этишган, сэр.*

***

*— Жорж, Сиз нимани кўпроқ хоҳлайсиз: беш қизли бўлишни ёки 5000 доллар олишними?*

*— Бешта қизга ота бўлишни.*

*— Нега?*

*— Чунки менинг ҳозир 8 та қизим бор.*

***

*— Борди-ю юз минглик мерос олиб қолсанг, нима қилар эдинг?*

*— Қарзларимини қайтарар эдим.*

*— Қолганини-чи?*

*— Қолганлар сабр қилиб туришади.*

***

*— Мен ўзимнинг шифокорлик фаолиятимда бир марта тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганман.*

*— Қандай хато эди у.*

*— Бир беморни икки кунда тузатиб, оёққа турғазганимдан сўнггина унинг миллионерлигини билиб қолдим.*

***

*— Илтимос, бифштексимдан бармоғингизни олсангиз, — деб илтимос қилди хўрранда официантдан.*

*— Минг бор, узр, — деб илтифот билан жавоб берди ресторан ходими, — лекин агар бифштексингизни бармоғим билан ушлаб турмасам, у яна ерга тушиб кетади.*

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАФОЛАТИДИР!

РЕКЛАМА

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА

«Ўзбекобод» ишлаб чиқариш фирмаси полипропилен қопларни таклиф этади.

Манзил: Фарғона вилоятининг Қува туманидаги «Бекобод» қишлоғи.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 172-88-15, (8-373 31) 51-101

Сифати кафолатланган. Нархи арзон

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Моваронноҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ҲАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
**М. АБДУРАҲМОНОВ, Ш. РАҲИМОВ.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-866
Тираж: 16824

PR - тижорат белгиси

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

XASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EKSPRESS-MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com